Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 19-mart, payshanba, № 36-37 (3542)

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлгил, ҳам жонларига мояйи дармон бўлгил.

Алишер НАВОИЙ

САНОАТЧИЛАР ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАРИ

«Ўзэкспомарказ» миллий кўрагазмалар мажмуасида «Uzbekistan Industrial Forum — 2015» еттинчи халқаро саноат форуми бўлиб ўтмоқда.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, «Ўзавтойўл» ва «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниялари, бошқа идора ҳамда ташкилотлар кўмагида IEG Uzbekistan кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди.

Жорий йилги халқаро форум металлургия, металлга ишлов бериш, машинасозлик — «UzMetalMashExpo», махсус техника ва бутловчи буюмлар — «UzSpecTechExpo» тоғ-кон саноати технология ва ускуналари — «UzMiningExpo» кимё саноати, пластмасса ва полимерлар ишлаб чиқариш ҳамда уларга ишлов бериш — «UzChemPlastExpo» хавфсизлик технологиялари ва ҳимоя воситалари — «UzSecureExpo» саноатни автоматлаштириш, ахборот технологиялари ва дастурий таъминот — «UzAutomationExpo» ихтисослаштирилган кўргазмаларини ўз ичига олган.

Форумда Ўзбекистон, Германия, Швейцария, Буюк Британия, Хитой, Жанубий Корея, Италия, Туркия, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари, Беларус, Украина, Россия, Қозоғистон каби 16 давлатдан элликдан зиёд компания иштирок этаётир. Уларнинг фаолияти тоғ-кон, металлургия, энергетика тармоқларида саноат автоматика қурилмалари, айрим таркибий қисмлар ва комплексларни лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда фойдаланишга топширишга қаратилган. Кенг турдаги энергия ресурсларини ҳисобга олиш приборлари, автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ва биноларнинг хавфсизлик тизимлари намойиш этилмоқда.

ЎзА.
ЎзА фотомухбири
Ёлқин ШАМСИДДИНОВ
олган суратлар

▽ Наврўз — 2015

Памела СПРАТЛЕН:

«ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИМИЗ БУНДАН КЕЙИН ҲАМ ИЗЧИЛ ТАРАҚҚИЙ ЭТАВЕРАДИ»

Наврўз байрами арафасида ЎзА мухбири Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Памела Спратлен билан суҳбатлашди.

— Спратлен хоним, Сиз яқинда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси этиб тайинландингиз. Мамлакатимиз ҳақидаги илк таассуротларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Ўзбекистон ғоят гўзал ва мафтункор диёр, халқингиз жуда меҳмондўст ва бағрикенг. Мен 2008 йилда АҚШ делегацияси таркибида Ўзбекистонда бўлиб, қадимий ва навқирон шаҳарлар Тошкент ва Бухорони зиёрат қилган эдим. Меҳмоннавоз ва меҳридарё ўзбек халқи мени ўшандаёқ мафтун этган эди. Ўзбекистонга келиб бу борадаги таассуротларим янада бойимоқда. Меҳнатсевар ўзбек халқи ғайрат ва шижоат, эртанги кунга қатъий ишонч билан яшамоқда. Мамлакатингизнинг истиқболи порлоқ.

Мен мамлакатингизни дунёга янада кенгроқ танитишга интилаётган, илмга чанқоқ Ўзбекистон ёшларини ғоят қадрлайман. Шунингдек, ўзбек куй-қўшиқлари ва миллий рақсларига меҳрим баланд. Тошкентда ўтказилган ажойиб маданий тадбирларда иштирок этаётганимдан жуда хурсандман. Ўзбекистон ҳақида янада кўп маълумотга эга бўлишни, мамлакатингизнинг бой тарихи ва ноёб маданиятини ўрганишни хоҳлайман.

— Мамлакатларимиз ҳамкорлигининг самаралари ҳақида нима дея оласиз?

— АҚШ билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар йил сайин мустаҳкамланиб бораётир. Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ишонч ва манфаатдорлик ҳамда очиқ мулоқотга асосланган муносабатлар қарор топган. АҚШ Ўзбекистоннинг суверенитети ва мустақиллигини қўллаб-қувватлашда ҳеч қачон оғишмаган. Биз ўзаро манфаатдорликка асосланамиз. Бу минтақада барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасидаги ҳамкорликни, мамлакатларимизнинг иқтисодий ривожланишини қўллаб-қувватлаш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан иборат.

Сўнгги йилларда ўзаро ҳамкорликда эришилаётган ютуқлар кўлами кенгайиб, ҳажми тобора ошиб бормоқда.

АҚШ билан Ўзбекистон ўртасида юридик соҳада ҳам ўзаро тажриба алмашиш йўлга қўйилган. Ўзбекистон олий ўқув юртлари билан инглиз тилини ўқитиш бўйича илғор дастурларни ишлаб чиқиш борасида ҳамкорлик қилмоқдамиз.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо, қишлоқ хўжалиги, таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари катта. Ишончим комилки, ўзаро алоқаларимиз бундан кейин ҳам изчил тараққий этаверади.

— Ўз фаолиятингиз давомида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликнинг қайси йўналишларини ривожлантиришни устувор вазифа, деб ҳисоблайсиз?

— АҚШ Ўзбекистоннинг мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни юксалтириш, барқарорлик ва демократияни мустаҳкамлаш борасидаги мақсадлари йўлида яқин ҳамкоридир. Биз Марказий Осиёда хавфсиз, қудратли ва мустақил тараққиёт тарафдоримиз. АҚШ ва Ўзбекистоннинг бу борадаги ҳамкорлиги терроризм, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишга оид дастурларни ўз ичига олади.

Биз кўплаб соҳаларда, жумладан, илм-фан, иқтисодиёт, тиббиёт, маданият ва таълим йўналишларидаги алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ниятидамиз.

— Суҳбатимиз Наврўз байрами арафасида кечмоқда. Ўзбекистон халқига байрам тилакларингизни изҳор этсангиз.

— Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган Наврўз байрами билан самимий қутлайман ва энг эзгу тилакларимни билдираман. Халқингизга тинчлик, бахт, равнақ ва мустаҳкам соғлиқ тилайман. Янгиланиш рамзи бўлмиш ушбу айём барчага муборак бўлсин.

ЎзА мухбири
Ирода УМАРОВА
суҳбатлашди

Касаба уюшмалари
Кексаларни эъзозлаш йилида

ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМ

Кексаларни эъзозлаш йили отахону онахонларимиз ҳаётини мазмунли қилиш йўлида олиб борилаётган ишларимизни янада кучайтириш ҳамда самарасини ошириш учун ўзига хос йўналиш берди. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури асосида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган тармоқ Дастурига кўра, бир қатор йўналишларда чора-тадбирлар амалга ошириш белгиланган.

Жумладан, кексаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш ҳамда улар ҳаёти мазмуни ва сифатини ошириш, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантиришга оид норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш кўзда тутилган бўлиб, яъни, Ўзбекистон Республикасининг «Қариялар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа қатламларига ижтимоий хизмат кўрсатиш тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий хизматлар тайинлаш ва кўрсатиш ҳамда қарияларга ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг индивидуал дастурини шакллантириш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори, Президентимизнинг «2015-2020 йиллар мобайнида ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори лойиҳаларини ишлаб чиқишда ва бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари тайёрланишида фаол иштирок этилади.

Аввалambор, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларининг ҳар бирига 300 минг сўмдан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади. 23 минг нафар уруш ва меҳнат фахрийси, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга касаба уюшмалари томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон олиб берилади, яшаш жойларини таъмирлаш, коммунал тўловларини тўлаш кабиларда кўмаклашилади. «Саховат» ва «Мурувват» уйларида яшовчи қариялар ҳолидан хабар олиниб, моддий қўллаб-қувватланади, улар учун маданий-кўнгилочар тадбирлар ташкил этилади.

●●○●●●●●▶3

▽ Саломатлик спартакиадаси

Баҳор — янгиланиш, яшариш фасли. Ҳамалда она табиат уйғонади, қиш бўйи йиққанларини намоён этади, нозу неъматларини тортиқ қилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу фаслда одам организми ҳам кучли фаолликка эҳтиёж сезади. Зеро, инсон — табиат фарзанди.

ЎзА сурати

ОММАВИЙЛИК ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ

Шунинг учун ҳам халқимиз ҳамалда кураш, улоқ, қулоқчўзма ва бошқа ўнлаб, юзлаб ўйинларни уюштирган, шуғулланган. Шу тариқа танга қувват, дилга хушнудлик бағишлаганлар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан "Спорт — саломатлик гарови" шиори остида ўтказилган мусобақаларнинг якуний босқичи айни баҳорда кечиши ҳам бекорга эмас.

Бугунги кунда меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни тарғиб қилиш, шу орқали соғлом турмуш тарзи барқарорлигига эришиш йўлида тизимли ва изчил ишлар амалга оширилмоқда.

●●●●○●●●▶5

▽ Бугунги ёшлар

"Чет давлатларда биз, ўзбекистонлик талабаларга ҳавас қилишади. Билимга чанқоқлигимизга, тилларни тез ўзлаштириш қобилиятимизга қойил қолишади. Бизнинг маданиятимизни, одоб-ахлоқимизни юқори баҳолашади. Бу борада Шарқда энг намунали мамлакат деб билишади". Ушбу фикрлар айни кунларда Япониянинг Тсукуба шаҳри университетида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талаба Зумрад Ғаффоровага тегишли.

БИЗГА ҲАВАС ҚИЛИШАДИ

Зумрад 1989 йили Тўрткўлда туғилган. Мактабни тамомлагач, тил ўрганишга қизиқиши боис Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факултетида таҳсил олди. Бакалаврлик босқичини тугатгач, иккинчи мутахассислик бўйича Тошкент Шарқшунослик институтининг япон тили йўналишида ўқишни давом эттирди.

Институтда ҳар йили имтиҳон асосида танлаб олинган иқтидорли талабалар чет мамлакатларга ўқишга юборилади. Зумрад ҳам шу танловда омадини синаб кўрди ва Японияда билим олиш имкониятини қўлга киритди. Ҳозирда у билан биргаликда 2 нафар юртдошимиз ўқимоқда.

— Жаннатмонанд заминимизни, унинг бетакрор табиатини, чехраси очиқ одамларини ҳар куни қўмсаймиз. Ватанимиз сайтлари орқали юз бераётган воқеалар, айниқса, айни кунларда мамлакатимиз Президенти сайлови олдидан кечаётган муҳим сиёсий жараённи доимий кузатиб бораяпмиз, — дейди Зумрад телефон орқали. — Японияда Ўзбекистон элчихонаси қошида ташкил этилган сайлов участкаси орқали бизнинг ҳам сайлаш ҳуқуқимиз тўла таъминланган. Ҳозир Ватандан олисда бўлсакда, ўз келажагимиз учун овоз бериш имкониятига эгамиз. Номзодлар дастури билан танишиб чиқдим ва ўз танловимга эга бўлдим. Бу борада сайловда ҳеч иккиланмайман.

Баҳор фасли, унинг гўзал айёмлари халқимга, меҳрибон онажонимга муборак бўлсин! Фурсатдан фойдаланиб, бу ерда тез-тез эшитадиган япон мақтовини сизларга ҳам етказай: «Сиз чиройда, зеҳнда биринчисиз, ўзбек аёллари!»

Озода МАМАДАЛИЕВА,
"Ishonch" мухбири

2015-yil 19-mart, payshanba, № 36-37 (3542), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА ҳисобот-сайловлар йили

Наманган вилояти насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармасида бошланғич касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси ўтказилди. Унда бошланғич ташкилотнинг 2010 йил февралидан 2015 йил март ойигача бўлган даврдаги фаолияти таҳлил этилди.

ИШОНЧ — ЭНГ ОЛИЙ БАҲО

Анжуманда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси И.Шарофиддинов, тармоқ касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси З.Ҳожиматова ҳамда НСЭ ва АБ бошлиғи Г.Занжиров, ташкилот ишчи-ходимлари қатнашди.

Таъкидландики, ҳисобот даврида жамоа шартномасига ходимлар учун қўшимча имтиёзлар киритиш ва уларнинг ижросини таъминлаш қўмита аъзоларининг доимий диққат марказида бўлди.

— Асосий эътиборимизни ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, бошқармада меҳнат қонунчилигини таъминлаш, меҳнат муҳофазасини назорат қилиб бориш, аъзолар ўртасида маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишларини талаб даражасига кўтаришга қаратдик, — деди ўз маърузасида касабақўм раиси, айни пайтда яна бир бор жамоадагилар ишончи зиммасига юкланган, "Эҳтиром" нишони соҳибаси Замира Ибрагимова.

Бугунга келиб бошқарманинг жамоа шартномаси аввалгилардан тубдан фарқ қила бошлади, унга ёшлар ва аёллар учун имтиёзлар кўзда тутилган алоҳида бўлимлар, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларига амал қилинишини таъминлашга қаратилган бандлар киритилди.

Ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда маъмурият билан касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаларининг аҳамияти катта бўлди. Эҳтиёжманд ёш оилалар вакилларига, фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача тўлгунга қадар ёш оналарга моддий ёрдамлар кўрсатилди. Камхарж, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари учун дарслик, ўқув қуроллари харид қилиш харажатлари қисман қоплаб берилди. Ёрдамчи хўжаликда етиштирилаётган маҳсулотларнинг 50 фоизи бошқарма ишчиларига бепул берилди.

Ишлаб пенсияга чиқаётган 202 нафар ходимга ҳамда 68 нафар ходимнинг яқин қариндоши вафот этганида корхона ҳисобидан бир ойлик маоши миқдорида бир марталик моддий ёрдам берилди. Шунингдек, 12 нафар ходимнинг уйланиши, турмушга чиқиши, фарзандининг никоҳ ва суннат тўйлари муносабати билан корхона ҳисобидан ойлик маошининг икки баробари миқдоригача бир марталик кўмак кўрсатилди.

Шунингдек, иш ҳақи тўланиши, жамоа шартномасида белгиланган мукофотлаш, рағбатлантириш, қўшимча тўловлар, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникасини таъминлашга доир маблағларнинг мақсадли сарфланиши назорат қилиб борилди.

Бошқармада, туман ишлаб чиқариш бўлимларида иш ташкил этиш ва юритишда меҳнат қонунчилигига амал қилиниши назорат қилиниб, ходимлар ҳуқуқий билимини ошириш учун давра суҳбати, семинарлар ташкил этилди. Меҳнат қонунчилигини таъминлашда муайян ишлар амалга оширилиб, аввало эътибор мазкур масаладаги меъёрий ҳужжатларнинг касаба уюшма аъзолари томонидан ўрганилишини таъминлашга қаратилди. Жумладан, Меҳнат кодекси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг меъёрий ҳужжатлари тўплами каби услубий қўлланмалар ўрганилишига эришилди.

Ишловчилар билан тузилган меҳнат шартномаларининг меъёрий ҳужжатлар талабига жавоб бериши, меҳнат дафтарчаларининг юритилиши юзасидан мунтазам назорат ўрнатилиб, зарур маслаҳатлар берилди. Ишловчиларнинг хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиниши таъминланди. Айниқса, бошқармага янги ишга қабул қилинган ва мавсумий ишловчилар билан меҳнат шартномаси тузилиб, иш бошлашдан аввал бу борада алоҳида суҳбатдан ўтказиш йўлга қўйилди.

Янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, яратилган иш ўринлари орқали эҳтиёжманд оилалар моддий аҳволини яхшилаш мақсадида 2013 йил касаба уюшма қўмитаси маблағи ҳисобидан бошқармада иссиқхона ташкил этилгани ҳам эътиборга молик.

Касаба уюшма ташкилотининг муҳим вазифаларидан яна бири, ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришдир. 2010-2014 йилларда Сув хўжалиги шифохонасида 200 нафардан ортиқ, "Ирригатор" профилакторийсида 250 нафар ишчи-хизматчи ва уларнинг оила аъзолари соғлиги тикланди. Ходимлар фарзандларидан 160 нафари оромгоҳларда дам олдирилди. 45 нафар ишчи-ходим республика санаторийларида ҳордиқ чиқарди.

Меҳнаткашларни юртимиздаги қадимий шаҳарлар билан таништириш, уларда тарихимизга, миллий қадриятларимизга ҳурмат, шукроналик ҳисларини кучайтириш мақсадида 28 нафар ходимнинг қадимий Самарқанд, Бухоро шаҳарларига саёҳати уюштирилди.

Конференцияда бундан буён ҳам ходимлар манфаатини ифодалаш устуворлик касб этиши таъкидланди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
"Ishonch" мухбири

МЕҲР-МУРУВВАТ, САХОВАТ



Таълим муассасаларида фаолият юритиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган 100 нафар фахрий феврал ойида "Чимён" санаторийсида касаба уюшма маблағи ҳисобидан соғломлаштирилган эди. Яна бир гуруҳ меҳнат ва уруш фахриллари навбатдаги дам олишга юборилди.

АНЪАНАЛАР ЭТАДИ ДАВОМ

Куни кеча ЎзКУФК ҳамкорлигида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва соғлиқни сақлаш бошқармаси маблағлари ҳисобидан тиббиёт тизими фахрийларининг 65 нафари "Чимён" сиҳатгоҳига жойлаштирилди.

Соғломлаштириш жараёнида иқтидорли ёшлар билан "Икки авлод учрашуви" деб аталган бадиий кечалар уюштириш, таниқли санъаткорлар иштирокида концерт дастурлари намойиш этиш, олимлар ва фан арбоблари иштирокида қизиқарли мулоқот ташкил этиш белгиланган. Фаол фахрийлардан ташкил топган "Шукроналик" гуруҳлари ёрдамида долзарб мавзулар юзасидан давра суҳбати ва спорт мусобақалари ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Шунингдек, Давлат дастури доирасида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" шиори остида 44 нафар фахрийнинг "Касаба сайр" шўъба корхонаси орқали республикамизнинг тарихий шаҳарларига саёҳати ташкил этилди. Фахриллар мустақиллик йилларида Қўқон шаҳрида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, шаҳарнинг тарихий жойлари билан танишдилар ва Тошкент — Бухоро — Самарқанд йўналиши бўйлаб саёҳатга йўл олишди.

Ғанишер ФАЙЗИЕВ,
Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

«БОЙЧЕЧАК ЧИҚИБДИ, БУГУН НАВРЎЗ ЭКАН»

Марҳамат туманининг Оқбош адирлари бағрида ўтган халқ сайли шундай номланди

«Оқбош» маҳалласида ўтказилган Наврўз тантаналари чин маънода халқ сайлига айланди. Маҳаллий тадбиркорлар томонидан яқинда фойдаланишга топширилган ўйингоҳга Қорақўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли 10 та маҳалла вакиллари жам бўлди.

Дастурхонларга баҳорий неъматлар тортилди. Давра тўрида савлат тўкиб ўтирган отахонлар юртга тинчлик, деҳқончиликка барака, йилнинг ризқ-рўзли келишини тилаб дуога қўл очди.

Ёшлардан иборат маҳаллалараро гуруҳлар ўртасида футбол, волейбол, шахмат-шашка мусобақалари ташкил этилди, чиллаг-у қувлашмачоқ ўйнаётган болажонларнинг шодон қийқириқлари борлиқни тутди.

Посбонлар сардорлари ўртасида бўлиб ўтган «Шунқор йигитлар» мусобақаси ҳам барчада катта таассурот қолдирди. Улар нафақат касб маҳорати, балки саҳна кўринишлари, қўшиқ, рақс орқали истеъдодини ҳам намойиш этди. Жийдабозор МФЙ посбонлар сардори Ж. Турдибоев биринчи ўринга лойиқ топилди.

Қишлоқ маданият ва аҳоли дам олиш маскани бадиий жамоаси, ўқувчи ёшлар томонидан тайёрланган концерт дастури тадбирга кўтаринкилик бағишлади. Чегара қўшинлари қошидаги ашула ва рақс дастасининг хонандаси Отабек Эргашевнинг шўх тароналари барчани рақсга чорлади.

Шу куни Хўжаобод туманида ҳам Наврўз тантаналари бўлиб ўтди. Саноатчилар шаҳарчаси ҳудудидаги «Динамо» ўйингоҳи байрамона безатилди. Тадбирга туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ҳисса қўшган отахон ва онахонлар, кенг жамоатчилик вакиллари таклиф этилди. Боғча, мактаб, коллежлардан ташриф буюрган ёш ҳаваскорларнинг чиқиши барчага кўтаринкилик бағишлади. Куй-қўшиқ аскияга уланди. Наврўз сайли кечгача давом этди.

Жалақудуқ туманидаги Абдуллабий қишлоғида бўлиб ўтган Наврўз шодиёналарига бу йил қизғин ҳозирлик кўрилди. Даставвал маҳаллаларда ўтказилган дарвешона тадбирларида қўй сўйилиб, андижонча палов тайёрланди. Фаоллар, ёшлар якка-ёлғиз қариялар, беморлар ҳолидан хабар олинди.

Қишлоқда истиқомат қилаётган ўзбек ва қирғиз миллатига мансуб аҳолининг ўзаро муносабатлари аҳиллик, тотувлик, бағрикенглик, яқин қўни-қўшничилик сингари ота-боболаримиздан мерос эзгу фазилатлар асосига қурилган. Шу боис ҳам қишлоқ марказида барча маҳаллалар вакиллари иштирокида ўтказилган тадбирда икки миллат урф-одат ва анъаналари акс этган миллий либослар, каштачилик, зардўзлик маҳсулотлари кўргазмалари ташкил қилинди. Ўзбекча ва қирғизча куй-қўшиқлар, рақслар йиғилганларга баҳорий кайфият улашди.

Жойларда Наврўз шодиёналари давом этмоқда.

Нурилло НЎЪМОНОВ,
"Ishonch" мухбири

Биз темирйўлчилар инсонлар узоғини яқин, мушкулини осон қилар эканмиз, ҳар доим атрофдагиларга хушнудлик улашишга интиламиз. Шунинг учун ҳам соғинган дилларни учраштирувчи, кишиларни орзулари томон элтувчи, зарур юкларини келтириб берувчи касб эгалари эканлигимиздан фахрланамиз.

ТУРМУШ ОБОД, ҲАЁТ ФАРОВОН

Шу кунларда жамоамиз бетакрор байрамимиз Наврўзи оламни хуш кайфиятда кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқда. Наврўз — инсон ва табиат ўртасидаги муштараклик, халқимизга хос бағрикенглик, оқибат, меҳр-мурувват айёми. Қўнғирот минтақавий темир йўл узели Хоразм ҳудуди ишчилари орасида ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатликни янада кучайтириш каби эзгу фазилатларни юксалтириш мақсадида иш берувчи ва касаба уюшмаси ҳамкорлигида қатор тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Байрам арафасида ишчилар иштирокида маҳаллалар, аҳоли турар-жойлари, корхона ва ташкилотларга қарашли бўлган барча ер майдонларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари кўтаринки кайфиятда олиб борилди. 1852 нафар ишчи-хизматчи иштирокида корхонага қарашли Питнак — Урганч, Урганч — Шовот темир йўл оралиғидаги ва Мискин — Дунгулюк, Мискин — Тўрткўл оралиғидаги бекатлардаги ишчилар ётоқхонаси, омборхоналар тартибга келтирилди, бино атрофлари тозаланди. Мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазилди.

Бундан ташқари, Урганч шаҳридаги Ал-Хоразмий ва Ёшлик кўчалари, Шовот каналининг кемалар тўхтаб туриш жойларидаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаол иштирок этдик. Шу тариқа озода, саришта масканларда Наврўз сайлларини бошлаб юбордик. Темир йўл узелимизга қарашли ташкилотларда сумалаклар пиширилмоқда, баҳорий таомлардан дастурхонлар безатилиб, темир йўл тизими равнақига муносиб ҳисса қўшган кексаларимиз таклиф қилинмоқда. Маъмурият ва касаба уюшмаси томонидан эҳтиёжманд оила вакилларига моддий кўмак берилиб, фаолларга мукофотлар тақдим этилмоқда. Бир сўз билан айтганда, жамоамиз аъзоларининг барчаси кўтаринки, баҳорий кайфиятда. Яшариш ва янгиланиш айёмининг тароватидан завқланиб, ўзгаларни ҳам қувончу шодликдан баҳраманд қилмоқдамиз.

И.РАҲИМОВ,
Қўнғирот МТУ касаба уюшмаси ҳудудий қўмита раиси ўринбосари

УзА суратлари

ОЙНАВАНД ДАЛАЛАР

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган иссиқхона — 6 гектарли "ойнаванд дала"ни кўриб, кўзингиз қувнайди. Бир томонда пишиб етилган помидор ҳосилини йиғиштириб олиш ва уни истеъмолчиларга жўнатиш жараёнлари бораётган бўлса, бир томонда агротехник талабларга мос тайёрланган майдонларда бодринг экиш авжида.

— Бу йил далаларимизда Голландиянинг "Нунемс" компаниясидан харид қилинган уруғликларни парвариш қиляпмиз, — дейди иссиқхона мудири, олим-агроном Илҳом Ҳакимов. — Помидорнинг "Чинто", бодрингнинг "Орзу F1" навини танлаганмиз. Ушбу навлар ҳосилдор, бизнинг иқлим ва тупроқ шароитига бирмунча мос. Турли касалликларга чидамли. Жорий йил қишида ташқарида ҳаво ҳарорати қарийб 20 даражагача пасайганда ҳам "дала"мизда мўътадил 12-15 даражалик иликликни таъминлаш учун барча чораларни кўриб, ҳосилни талофатсиз сақлаб қолишга эришдик. Тайёр маҳсулотларнинг бир қисми завод ишчи-ходимларига, қолган қисми эса Бухоро шаҳри аҳолисига арзон нархларда етказиб берилмоқда.

Иссиқхона туфайли 113 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Уларнинг ҳар бири соҳанинг етук мутахассиси. Айниқса, бригада бошлиқлари Дилфуза Турдиалиева, Акмал Ашуров, сабзавотчиликда катта тажрибага эга ишчилар Шарофат Рамазонова, Жаббор Авезов, Ҳамдам Зарипов ва Мавлуда Қаюмованинг саъй-ҳаракатлари кўпчиликка ибрат. Соҳибкорлар ҳосил етиштириш билан боғлиқ барча агротехник тадбирларни пухта ўзлаштириб олишгани боис уларга бириктирилган майдонларнинг ҳар гектаридан юз тоннагача ҳосил олинмоқда.

Албатта, меҳнатда ўрнак бўлганлар эътибордан четда қолмайди. Уларга корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг рағбатлантирувчи мукофотлари бериб борилади. Ноз-неъмат бунёдкорлари учун қулай ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, кўнгилли дам олишларини ташкил этиш, саломатликларини муҳофаза қилиш, санаторийларга имтиёзли йўлланмалар бериш борасида қўлланилаётган ғамхўрликлар ўзининг ижобий самарасини бераётир.

Белгиланган режалар анча серкўлам. Йил охиригача "ойнаванд дала"ларни яна 2 гектарга кенгайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот салмоғини икки ҳиссага кўпайтириш ва қўшимча равишда 30 дан ортиқ кишини сафга қабул қилиш мақсадида изчил фаолият юритиляпти.

Ўз мухбиримиз

2015-yil 19-mart, payshanba, № 36-37 (3542), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ВА ЭЗГУЛИК АЙЁМИ

Кексаларни эъзозлаш йилининг дастлабки кунларини қўл, оёқ ва бел оғриғи билан ўтказдим. Бош фарзандим Ўткир йўлланма олиб келди-ю, фурсатни бой бермай йўлга тушдик. Биз ўтирган енгил автомашина боғ-роғ, тепаликлар ва беполён далаларни ортда қолдириб, Гагарин шаҳрини оралаб Қуттибоев кўчасидаги 5-уй олдида тўхтади. Қабулхона эшиги олдида оқ халатли сермулозамат шифокор ёруғ юз билан кутиб олди.

Эрта тонгда ҳамширанинг «ҳамма эрталабки машғулотга» деган даъватини эшитиб, тўғриси, аввалига ҳайрон қолдим. Сўнг... Тушундимки, бу ерда бадантарбия машқлари билан даволашга алоҳида эътибор берилар экан.

Муассасанинг ташкил топиши кўпдан-кўп воқеалар билан боғлиқ. Сиз ҳам эшитинг-а. Оддий маҳаллий деҳқон, чорвадорларнинг кўп йиллик кузатишлари натижасида шу жойдан илиқ сув чиқаётганлиги маълум бўлган. Олимлар, мутахассисларнинг саъй-ҳаракати билан маъданли сув борлиги тўла исботини топгач, ўтган асрнинг 70-йилларида Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманида 750 метрдан сув чиқарилиб, шифобахш масканга тамал тоши қўйилди.

Қарийб қирқ йилдирки, минг-минглаб кишилар "Гагарин маъданли сув санаторийси"да ўз дардларига малҳам топмоқда. Ўшандан бери бош шифокорлик вазифаси етук билим соҳиби Темур Худойбергенев зиммасида.

Табиийки, йиллар ўз тузатишини киритиб борди. Бош бино ёнидан қўшимча хоналар қурилиб, электр ванна, нур, балчиқ билан даволаш, ўт-жигарни ювиш, массаж қилиш хоналари тегишли замонавий қўшимча асбоблар билан тўлдирилди.

1992 йилда Хитойда игна билан даволаш бўйича тажриба орттириб қайтган Жавлон Жўраевни барча ҳурмат билан тилга олади. Айниқса, кексаларнинг эҳтиромини ўзгача. Ташкилотчи шифокор билим ва маҳоратини тинмай ошириб

ДУОСИ ОЛТИНДАН ҚИММАТ

борадиган, бошқалардан ҳам шуни талаб қилади. Бунинг боиси бор, албатта. Санаторийда қўлни-қўлга бериб ишлаётган Ф.Хўжаева, У.Баротова, Ш.Абдуқодирова, А.Оналбоеванинг бутун эътибори даволанаётган кексаларнинг эъзозига қаратилган.

Санаторийда даволаниб, уйимга, оилам бағрига қайтдим. Олти нафар фарзандим бор. Барака топишсин, бири-биридан меҳрибон. Қарангки, ҳовлига киришим билан невараларим «отажон-отажон»лаб кутиб олишди-да, Кексаларни эъзозлаш йилида оиламизга янги меҳмон келгани, унга Замонбек деб исм қўйишганидан хабардор қилишди. Умри узоқ бўлсин, элга хизмат қилсин, дея дуога қўл очдим.

Ёшим етмишдан ўтди. Ҳаётга бўлган муҳаббатим тобора ортиб бораётганини ҳис қилиб, бунинг сабаби ҳақида ўйлаб қоламан. Фарзандларимнинг меҳр-оқибати, ўзим дам олган "Чимён", "Шоҳимардон", "Чортоқ", "Ситораи Моҳи Хоса", "Хумсон" каби кўплаб санаторийлар, бири-биридан мафтункор манзаралар кўз ўнгимда гавдаланади. Ҳа, биз бахтли инсонлармиз, бу бахт қадрига етишимиз, она юртимизни кўз қорачиғидек асрашимиз керак, дейман беихтиёр тўлқинланиб.

ЎзА сурати

Умир ДОСТОНОВ,
меҳнат фахрийси

Юртимизда қиш ва баҳор мавсумида аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш чора-тадбирлари кўриб келинаётир. Биргина Самарқанд вилоятида 52,3 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари жамғариб қўйилган эди. Бу маҳсулотларнинг 34 минг 455 тоннаси ҳудудлардаги 50 дан зиёд музлатгич камераларда сақланиб, сифатли ҳолда халқимизга етказиб берилмоқда.

БАРАКА

— Бозорларимиздаги тўкинлик оқилона тадбирлар самараси, — дейди касаба уюшма фахрийси Садриддин Аслиддинов. — Айни пишиқчилик пайти ҳам сабзининг килосини 500 сўмдан харид қилгандик. Ҳозир ҳам шу нархда сотиб олаяпмиз. Наврўз олдидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилиб, маҳсулотлар 20 фоиз арзонлаштирилган нархда сотилаётир. Бозорлардаги янги узилгандек сақланган олма, анор, нок ва узумлар дастурхонимизга кўрк бўлмоқда.

Ўз мухбиримиз

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Фахрийлар ва ёши улуғ инсонларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, уларни тизимли асосда соғломлаштиришни ташкил этишга эътибор кучайтирилиб, қариялар ва ногиронларни ёрдамчи ҳамда техник реабилитация воситалари билан таъминлаш яхшиланади, кексаларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган санаторий-соғломлаштириш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларининг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланади. 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларининг йилда бир марта касаба уюшмалари тизимидаги санаторий-соғломлаштириш муассасаларида давлат бюджети ҳисобидан даволанишлари йўлга қўйилади. Бунинг учун тизимдаги 15 та санаторийда «Уруш ва меҳнат фронти фахрийлари» бўлимлари ташкил этилган бўлиб, йил давомида 10102 нафар фахрий соғлиғини тиклайди. Шунингдек, 2 минг нафар ишлайдиган кексалар касаба уюшмалари ҳисобидан, 1,5 минг нафар меҳнат фахрийси жамоа шартномалари орқали бепул, 2,5 минг нафар ишламайдиган пенсионер фарзандлари иш жойларидан имтиёзли равишда соғломлаштирилади.

Санаторийлар атрофида жойлашган маҳаллаларда яшовчи ёши улуғ инсонлар ва нуронийлар, шунингдек, санаторийда кўп йиллар хизмат қилиб нафақага чиққан собиқ ходимларни ташхислаш, соғломлаштириш муолажалари амбулатор шароитда ўтказилади. «Кекса ёшдагиларни санатор-курорт соғломлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари» мавзусида халқаро семинар ташкил этилади. Республиканинг ҳар бир ҳудудидан 30 нафардан, жами 420 нафар қарияга ёрдамчи ва техник реабилитация воситалари, 15 нафардан, жами 210 нафар кексага танометр, эшитиш аппарати ёки глюкометр (тест полоскаси) берилади.

ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМ

Ахмад ТУР[illegible] сурат

Тизимдаги бир қатор соғломлаштириш муассасаларида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш, уларнинг моддий-техник базасини бойитиш, Ховос, Қўқон темирйўл узели ва Тошкент темирйўл муҳандислари институтлари «Нуроний» кенгашларига ҳомийлик ёрдами кўрсатиш каби тадбирлар амалга оширилади.

Мамлакатимизнинг мудофаа қобилияти, иқтисодий, маданий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, жамиятимизда тинчлик, тотувлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлашга бебаҳо ҳисса қўшган, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда фаол иштирок этаётган кекса авлод вакилларига муносиб эътибор қаратилиб, жамоа шартномалари орқали 84 минг нафар кекса турли кўринишда моддий қўллаб-қувватланиб, рағбатлантирилади.

1 октябр — Халқаро кексалар куни муносабати билан жойларда туркум тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Жамоаларда уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида ёш авлоднинг маънавий ва ахлоқий тарбиясига кўмаклашиш, уларда миллий ғурур ва ўзини англаш ҳиссини шакллантириш мақсадида «Сиз доим эъзоздасиз», «Қариси бор уйнинг париси бор», «Кексаларни ардоқлаган юрт», «Фахрийлар — фахримиз» мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар уюштириш шулар жумласидандир.

Ёз мавсумида болалар соғломлаштириш оромгоҳларида «Нуроний отахон ва онахонлар — болалар нигоҳида» номли расмлар танлови ўтказилиб, меҳнат жамоаларида «Касбим — фахрим» номли тадбирлар ташкил этиш орқали меҳнат фахрийларининг ёшлар билан учрашувлари йўлга қўйилади. Ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасада «Фахрийлар кенгаши» ташкил этилиб, уларнинг бой тажрибаларидан фойдаланиш, тадбирларда қатнашишини таъминлаш учун барча чоралар кўрилади.

Амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини кучайтириш, кексалар ҳаёт фаолияти ва дам олишини ташкил этиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш мақсадида меҳнат жамоаларида фахрийлар ўртасида спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, бадминтон турлари бўйича мусобақалар ўтказилади. Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Мустақиллик байрамлари арафасида 560 нафар кекса фахрийнинг театр, концерт ва бошқа маданий тадбирларга ташрифи уюштирилиб, хавфли ва зарарли меҳнат шароитларида ишлаган ходимларнинг имтиёзли шартларда пенсияга чиқишига кўмаклашиш режалаштирилган.

Меҳнат жамоаларида «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурининг мақсад ва моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида маърузалар ташкил қилиниб, корхона, ташкилот ва муассасалар, санаторийлар ҳамда болалар соғломлаштириш оромгоҳларидаги «Маънавият хоналари» плакатлар билан жиҳозланади.

Шунингдек, маҳаллалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкилий тузилмасида кексалар ва ногиронларга доимий эътибор қаратадиган секторни мустаҳкамлаш, бунда уларга хизмат кўрсатадиган идора ва хизматлар, биринчи навбатда, пенсия, ижтимоий ва тиббий таъминот хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишда ҳам касаба уюшмалари фаол иштирок этади. Хусусан, маҳаллаларда ўтказиладиган «Кексалар дуосини олайлик» акцияси чоғида уруш ва меҳнат фронти иштирокчилари яшаётган, эҳтиёжманд оилалардан 2 минг нафарига электр-маиший техника воситалари бепул тақдим этилади. «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида ўтказиладиган тадбирларда ҳар бир ҳудуддан 80 нафардан 1120 нафар уруш ва меҳнат фахрийсининг республикамизнинг тарихий шаҳарларига саёҳати уюштирилади.

Кексаларни эъзозлаш йилида юқоридаги мақсадлар учун Федерация Кенгаши томонидан 52 млрд. 774 млн. 600 минг сўм маблағ сарфланиши режалаштирилган.

Эътиборхон РАҲМОНОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бош мутахассиси

Наврўз айёми нишонланаётган шу кунларда юртимизда яшовчи кексаларга алоҳида эъзоз-эҳтиром кўрсатилмоқда. Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан тузилган гуруҳ аъзолари ҳам нуронийлар ҳолидан хабар олиб, уларни байрам билан қутламоқда.

БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Бугунгача таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги кенгашлар томонидан 94 нафар меҳнат ва уруш фахрийсига байрам совғалари топширилди.

— Туманимиздаги 11 нафар меҳнат фахрийсига совғалар улашдик, — дейди тармоқ касаба уюшмаси Бувайда туман кенгаши раиси Ойбек Раҳмонов. — Улардан икки нафари юз билан юзлашганлардир.

Тумандаги "Оққўрғон" маҳалласида яшовчи Тоҳира ая Абдураҳмонова юз ёшга яқинлашди. Касаба уюшма вакиллари табаррук онахоннинг хонадонида ҳам бўлишди.

— Болаларим, биз кўрган кунлар асло бошингизга тушмасин, — деди Тоҳира ая. — Яратганга минг қатла шукур, истиқлолни кўриш насиб этди. Биз кексаларни эъзозлаб, ҳурмат кўрсатаётганларга соғлик, узоқ умр тилайман. Юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

Кексаларни эъзозлаш йили ҳамда Наврўз байрами муносабати билан Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вакиллари тизимда самарали фаолият кўрсатиб, эндиликда қарилик гаштини сураётган 15 нафар фахрийнинг ҳолидан хабар олишди. Уларнинг ҳар бирига мукофот пуллари берилди. Шунингдек, фаоллар Хивадаги "Мурувват уйи"да бўлиб, бу ерда истиқомат қилувчиларга касаба уюшма совғаларини топширишди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
"Ishonch" мухбири

Шайхонтоҳур туманидаги 44-оилавий поликлиникада кексаларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш ҳафталиги ўтказилди. Унга поликлиникага қарашли маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёши улуғ отахону онахонлар жалб қилинди.

Улар инструментал (УЗИ, ЭКГ, флюрография) ва лаборатория текширувлари билан бир қаторда, тор доирадаги малакали мутахассислар кўригидан ўтдилар. Таҳлил ва текширув натижалари асосида аниқланган касалликлари бўйича шифокорлардан керакли тавсиялар олишди.

— Бизнинг саломатлигимиздан қайғураётган инсонлардан миннатдорман, — дейди 82 баҳорни қаршилаган Мелихон ая Собирова. — Бу кўрикнинг айнан "илик узилди" даврига тўғри келгани айни муддао бўлди. Оқ халат кийган ўғил-қизларим кўрикдан ўтказиб, керакли маслаҳатлар беришди.



Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири.
Муаллиф олган сурат

ДАСТУРХОН ФАЙЗИ

Жарқўрғон туманидаги «Сурхон олтин меваси» агрофирмаси Камар маҳалла фуқаролар йиғинига ёндош адирликдан 100 гектар ер олиб, ўтган йил баҳорда 20 гектарга ярим пакана бодом,10 гектарга тукли ва яна 10 гектар майдонга силлиқ шафтоли кўчатлари ўтқазганди. Шароит ҳисобга олиниб, томчилатиб суғориш тизими ишга туширилди. Қатор ораларига помидор экилиб, кўчатлар билан бирга парваришланди.

— Бу йил боғ янада кенгайди, бодомзор 35, шафтолизор 48 гектарга етди. 1 гектарга зайтун кўчатлари қадалди. Буни қарангки, бодом ва шафтолилар иккинчи йилдаёқ қийғос гуллади. Сурхон, Авлод маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудларидан яна 100 гектар ер олинди ва унга Грециядан келтирилиб, Самарқандда маҳаллий навлар билан чатиштирилган ток кўчатлари қадалди. Шунингдек, Грециядан харид қилинган зайтун ниҳоллари синов тариқасида экилди, — дейди агрофирма раҳбари Шуҳрат Қаюмов.

Хуллас, эл дастурхони янада файзли кўриниш олиб, сархил мевалар билан тўладиган бўлди. Дарвоқе, янги боғ ва токзорларда ишлаш учун 40 нафарга яқин касб-ҳунар коллежлари битирувчилари доимий ишга жалб этилди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Навоий шаҳридаги "Амфитеатр"да бўлиб ўтган Наврўз байрами тантанаси кўнгилларга хурсандчилик бахш этди.

КЎКЛАМ ШУКУҲИ

Баҳорий айём муносабати билан "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамда тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қатламини моддий қўллаб-қувватлашга киришилди. Шундай оилалардан 613 тасининг уй-жойи таъмирланди. Меҳнаткашларнинг чинакам кўмакчиси саналмиш касаба уюшмалари томонидан ҳам қатор хайрия тадбирлари амалга оширилмоқда. Бевосита касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши маблағлари ҳисобидан Нурота туманидаги "Мурувват уйи"да истиқомат қилувчи 130 нафар қария ва ногиронга 3 млн. 500 минг сўмлик иссиқ кийим-кечак жамланмаси туҳфа қилинди. 100 ёшдан ошган 28 нафар отахон ва онахонга ҳам шундай совға улашилди. Бундай меҳр-мурувватдан якка-ёлғиз, меҳнатга лаёқатсиз кишилар ҳам четда қолмаяпти. Уларнинг 100 нафарига озиқ-овқат, дори-дармон ҳамда иссиқ кийимлар етказиб берилди.

Ўз мухбиримиз

2015-yil 19-mart, payshanba, № 36-37 (3542), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Касаба уюшма афзалликларини биламиз(ми)?!

Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 59-моддаси.

Сўнгги йилларда касаба уюшмаларининг нуфузи ошиб, аъзолар ишончини оқлаётгани эътиборга молик. Демак, ходимнинг жамоа шартномаларида акс этган имтиёзлардан унумли фойдаланиш имконияти ҳам кенгайиб бораётир.

Аммо баъзан ўзимиз ишлаётган ташкилот касаба уюшма қўмитаси фаолиятидан қониқмаган пайтларимиз ҳам бўлади. Яқинда бир етакчи билан суҳбатлашганимизда жамоада ишловчиларнинг ярмигина касаба уюшмасига аъзолигини айтди. Айрим ходимлар касаба уюшмасининг ўзига фойдали жиҳати йўқ деб ҳисоблаб аъзо бўлишни хоҳламас экан. Бу нимадан далолат ва кимнинг айби? Агар ўша ташкилотда ходимлар касаба уюшма афзалликларини яхши билганида бу ҳолат кузатилмаган бўларди, бизнингча. Чунки иш берувчи ҳам, ходимлар ҳам касаба уюшмасидан бирдек манфаатдор бўлиб, унинг афзалликларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишарди...

САМАРҚАНД

Инсон қадри улуғланган юртда яшаётирмиз. Фуқароларимизга эркин касб танлаш, ўзига мақбул соҳада хизмат қилишга тўла имкон яратилган. Тадбиркорлик, бизнес ривожига бўлган жиддий эътибор боис касб турлари янада кенгайди. Беихтиёр савол туғилади: ана шу имкониятлардан қандай фойдаланаяпмиз?

Қадрин билган беқадр бўлмас

Фаровонликнинг калити — меҳнат. Ўзбек борки, уйим-жойим дейди. Яхши ишлаб, яхши яшаётганларга ҳавасмандлигимиз ҳам ўзига хос фазилат. Аммо бу ўзингни ўтга ҳам, чўққа ҳам ур, дегани эмас. Афсуски, фақат даромадни ўйлаб, норасмий тарзда ишлаб юрганлар ҳам учрайди. Бу эса яратилган имкониятларни рўкач қилиб, ишчи кучидан норасмий тарзда фойдаланиб келаётган сохта тадбиркорларга жуда қўл келаётир. Фикримиз қуруқ бўлмаслиги учун бир мисол.

Зафар Қодиров Самарқанд шаҳридаги макарон ишлаб чиқарадиган цехлардан бирига ишга жойлашди. Оғзаки келишувга мувофиқ "хўжайин" унга бажарган юмуши учун кунлик тўлов белгилади. Норғул йигит эмасми, гоҳи тонна-тонна ун туширса, баъзан тайёр маҳсулотни юклаб беради. Хуллас, юмуш етарли, даромад ҳам ёмон эмас. Баъзан макарон тайёрлаш агрегати штурвалида ҳам туриб қолишга тўғри келарди. Кўза кунда эмас, кунида синаркан. Эҳтиётсизлик боис агрегат пичоғи бехосдан қўлини кесиб кетди. Қонни бир амаллаб тўхтатишди. "Хўжайин" тўрт-беш сўм бериб, уйига қайтариб юборди. Тиғ ярасининг битиши жуда қийин кечди. Бир неча ой боғлиқ қўл билан ҳеч бир иш қилолмади. Корхонада ишлаб топган пули деярли дори-дармонга кетди. Хайриятки, жароҳати тузалиб, қадрдон корхонасига йўл олди. Аммо унинг ўрнини аллақачон бошқа бир киши банд қилган экан.

— У ерда қарийб уч йил ишладим, — дейди Зафар. — Ва ташкилотнинг номини биламан, на бир ҳужжатга эгаман. Шунча умрим беҳуда ўтганига ачинаяпман. Ҳозир қурилиш ташкилотига ишга кирдим. Меҳнат дафтарчаси очилди. Имтиёзлардан тўла фойдаланаяпман. Қолаверса, ходимлар манфаати йўлида қайғурадиган ташкилот — касаба уюшмаси ҳимоясидаман.

Зафар каби адашганлар оз эмас. Кўпинча расман икки-уч киши ишлайдиган баъзи хусусий корхоналарда ўн-ўн бешталаб ёлланма ишчилар меҳнат қилаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Орзубек Козимов билан шу мавзуда суҳбатлашиб қолдик.

— Жомбой туманидаги Фарҳод қўрғонида хориж билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхоналар фаолияти йўлга қўйилган, — дейди О.Козимов. — Табиийки, уларда юртдошларимиз меҳнат қилади. Ишчиларга яратилган шарт-шароит билан танишиш, мазкур корхоналарни касаба уюшма хизматига олиш орқали ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида ушбу манзилларда бўлдик.

Мазкур корхоналарда касаба уюшма тузиш ҳақидаги таклифларимиз ижобий ҳал этилмаяпти. Ваҳоланки, уларда минглаб ходим меҳнат қилади. Уларнинг меҳнат муҳофазаси, ижтимоий-иқтисодий ҳимояси борасида жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш зарар эмас, балки фойда эканини англаш шунчалар қийинми? Тўғри, бу корхоналарда меҳнатни ташкил этиш, хавфсизлик техникаси қоидалари, қолаверса, ҳақ тўлаш масаласида муаммолар учрамаслиги мумкин. Аммо ходимларни қўшимча имтиёзлардан бебаҳра қолдиришни адолатдан деб бўладими?

Масалан, "Самарқанд чой қадоқлаш" фабрикаси. Бу ерда жамоа шартномаси орқали ҳар бир ходим касаба уюшмаларига тўлаган аъзолик бадалидан ўн олти баробар кўп моддий манфаатдор бўлган. Оддий қилиб айтганда, сарфлаган минг сўми ўн олти минг сўм бўлиб ўзига қайтаётир.

Яна бир гап. Айрим хорижий корхона ижрочи раҳбарлари касаба уюшмаларига аъзо бўлиб киришга уларнинг чет эллик шериклари рўйхушлик бермаётганини баҳона қилишади. Демак, бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтиришимиз лозим. Айниқса, бизда ҳар қандай масала ижтимоий шериклик орқали, музокаралар йўли билан ҳал этилаётгани иш берувчининг ҳам, ходимнинг ҳам манфаатлари уйғунлигини таъминлашини алоҳида таъкидлаш ўринли. Мамлакатимизда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги ишларни янада ривожлантириш имконини бермоқда. Натижада, қатор халқаро ташкилотлар ҳам бу усулнинг афзаллигини эътироф этиб, уни оммалаштириш лозимлигини таъкидлашаётир.

Энди ушбу мавзуда сўз юритишга туртки бўлган ҳолатга эътиборингизни қаратайлик. Мамлакатимизда йил сайин ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсизликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида бу соҳада ижобий ўзгаришлар бўлаётган бўлсада, айрим нохуш ҳолатлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бундай ҳолатларнинг аксарияти айнан касаба уюшма ташкилоти тузилмаган корхона ва ташкилотларда рўй бераётир. Чунки мазкур жамоаларда ходимлар тегишли йўриқ ва синовлардан ўз фурсатида ўтказилмайди.

Корхонанинг иқтисодий юксалишини таъминлашга ҳисса қўшаётган ходимга қанча кенг имкониятлар яратилса оз. Ижтимоий муносабатларга қонуний тус беришда, ходимларга яратилаётган шароит, имтиёз ва кафолатлар кўламини кенгайтиришда иш берувчилар ва касаба уюшма ташкилотлари ижтимоий шериклигида тузилувчи жамоа шартномалари имкониятларидан самарали фойдаланиш манфаатлар уйғунлигини таъминлашнинг асосий омили эканлигини унутмайлик.

Нурилла ШАМСИЕВ,
"Ishonch" мухбири

Жамоа шартномаси – бу...

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига биноан, меҳнат муносабатларидаги бир қатор масалалар фақат жамоа шартномаси воситасида ҳал қилиниши мумкин. Хусусан:

- ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш;
- ишлаб чиқариш заруратига биноан дам олиш кунлари ходимларни ишга жалб этиш;
- тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиш мумкин бўлган ходимлар тоифаларини белгилаш;
- ходимларга мукофотлар, моддий ёрдам, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар, қўшимча таътиллар белгилаш;
- меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини амалга ошириш;
- иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўллаш каби меъёрий ҳолатлар ечими жамоа шартномалари орқали амалга оширилади.

Жамоа шартномаси имзолангач, унинг меъёрлари барча текширувчи органлар ва тижорат банклари томонидан тан олиниши шарт.

Иш берувчилар диққатига

Агар Сиз раҳбарлик қилаётган корхона (ташкилот, муассаса)да касаба уюшма ташкилоти тузилса:

- корхонада ходимларга берилаётган турли имтиёзлар жамоа шартномаси орқали қонуниийлаштириб қўйилади;
- иш берувчи сифатида алоҳида тарзда ҳар бир ходимнинг муаммосини эмас, балки касаба уюшма ташкилоти орқали ходимларнинг умумий муаммоларини аниқлаш ва биргаликда бартараф этиш имкониятига эга бўласиз;
- касаба уюшмаларининг юридик хизмати корхонада меҳнат соҳасидаги қонун ҳужжатларига аниқ ва оғишмай амал қилиниши, меҳнат муносабатларига оид ҳужжатларнинг тўғри юритилиши юзасидан бепул ҳуқуқий-амалий ёрдам кўрсатади;
- меҳнат, оила ва фуқаролик қонунчилиги бўйича Сиз ва ходимларингизга бепул ҳуқуқий маслаҳатлар берилиши кафолатланади;
- корхонангизда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш борасида касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати яқиндан ёрдам беради;
- корхонангиздаги меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқчи касаба уюшмаларида ташкил этиладиган ўқувларда ўз малакасини ошириши ва олган билимларини корхонада қўллаши учун кенг имкониятлар яратилади;
- касаба уюшмалари тизимида ташкил этилаётган турли танлов, акция ва форумларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишингиз ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан жорий этилган турли имтиёзларга эга бўлишингиз мумкин;
- меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандлари дам олиши ҳамда даволаниши учун касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга, шунингдек, болалар оромгоҳларига имтиёзли йўлланмалар билан таъминланади;
- касаба уюшма ташкилотининг ташаббуси билан байрамлар, маънавий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирларининг ўтказилиши жамоада соғлом муҳит барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади;
- ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини республикамизнинг турли тарихий шаҳарларига имтиёзли саёҳатга олиб бориш имконияти яратилади;
- янги ташкил этилаётган корхона, ташкилот ва муассасалар фаолиятини йўлга қўйишда зарур ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича бепул ташкилий-ҳуқуқий ёрдам олишингиз, касаба уюшмалари тизимидаги «Услубий марказ»лар хизматидан бепул фойдаланишингиз мумкин;
- ходимлар иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридаги касаба уюшмасига аъзолик бадалининг 60 фоизи корхонангизда ташкил этилган бошланғич касаба уюшмаси ихтиёрида қолдирилади ва ушбу маблағ ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, режали тадбирлар ўтказиш, имтиёзли равишда йўлланмалар олиш каби мақсадларга йўналтирилади.

Агар Сиз касаба уюшмасига аъзо бўлсангиз ва меҳнат жамоасида касаба уюшма ташкилоти тузилса:

- касаба уюшма қўмитаси орқали корхона (ташкилот, муассаса)ни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этиш имкониятига эга бўласиз;
- касаба уюшма ташкилоти ҳамда иш берувчи ўртасида имзоланадиган жамоа шартномасига таклифлар беришингиз мумкин, у орқали қўшимча имтиёз ва кафолатлар олиш ҳуқуқидан фойдаланасиз;
- иш берувчи ва касаба уюшма ташкилоти раҳбари ҳар йили жамоа шартномасида кўзда тутилган имтиёзлардан ходимларнинг тўлиқ фойдаланиши бўйича меҳнат жамоаси олдида ҳисобот бериб боради;
- меҳнатингизга муносиб ҳақ олишингиз учун барча чоралар кўрилади, иш ҳақи ўз вақтида тўланиши касаба уюшма ташкилотининг жамоатчилик назоратида бўлади;
- меҳнат муносабатларига оид барча масалалар, жумладан, иш берувчи томонидан меҳнат қонунларига риоя этилиши, меҳнат таътилларининг вақтида берилиши ва бошқалар бўйича касаба уюшмаларининг юридик хизмати ходимлари сизга бепул маслаҳатлар беради, зарур ҳолларда, ҳуқуқ ва манфаатларингизни давлат бошқаруви органларида бепул ҳимоя қилади;

Ходимлар учун

- сиз учун бехатар ва қулай меҳнат шароити яратиб берилишига, иш жойингизда саломатлигингизга салбий таъсир кўрсатадиган зарарли омиллар бўлмаслигига, жамоа шартномасига мувофиқ, махсус кийимбош, пойабзал, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса махсус ва парҳез таомлар билан таъминланишингизга эришилади;
- иш берувчи маблағи ҳисобидан белгиланган муддатларда тиббий кўрикдан ўтишингиз касаба уюшма қўмитасининг назоратида бўлади;
- бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларига чалинишлардан иш берувчи ҳисобидан мажбурий суғурта қилинасиз, етказилган зарар учун пулларни олишингиз кафолатланади;
- мунтазам равишда касбий тайёргарликдан ўтиб боришингиз, ўқитилишингиз ҳамда малака оширишингизга кўмаклашилади;
- касаба уюшмалари тизимидаги исталган санаторийда имтиёзли равишда дам оласиз ва ўз саломатлигингизни тиклайсиз. Оила аъзоларингиз, яъни ота-онангиз, турмуш ўртоғингиз ёки фарзандларингиз учун ҳам санаторийларга имтиёзли йўлланмалар олишингиз мумкин;
- фарзандларингизни болалар оромгоҳларида имтиёзли ёки бепул дам олдириш имкониятига эга бўласиз;
- касаба уюшмалари тизимидаги ёки уларга фойдаланиш учун берилган маданий-маърифий ва спорт муассасаларида маданий, интеллектуал савиянгизни оширасиз, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланасиз;
- сизда ҳар йили турли йўналишларда ташкил этиладиган акция, кўрик-танлов, мусобақа, оилавий ва жамоавий спартакиадаларда қатнашиш, театр ва концертларга имтиёзли чипталарни олиш имконияти туғилади;
- мамлакатимизнинг турли тарихий шаҳарларига саёҳатга боришингиз мумкин.

Бир сўз билан айтганда, агар Сиз меҳнат қилаётган жамоада касаба уюшма ташкилоти тузилса, ҳар қандай муаммоли масала иш берувчи ва касаба уюшма ташкилотининг ижтимоий шериклиги ва ҳамкорлигида ҳал этилади.

Ҳудудлардаги ташкилот ва корхоналарда бошланғич касаба уюшма қўмиталарининг ўрни қандай? Ишчи-ходимлар жамоа шартномаларида акс этган имтиёзлардан қай даражада фойдаланишяпти? Умуман, иш берувчи ва меҳнаткашларнинг бу борадаги фаолиятдан кўнгли тўляптими?

Жойлардаги ходимлар ҳамда иш берувчилар билан бўлган мулоқот чоғида айнан шу саволларга жавоб изланди.

АНДИЖОН

Фаолиятдан кўнгил тўляптими?

Мусахон Абдураҳмонов, "Шаҳрихон юксак парвози" МЧЖ раҳбари:

— Савдо мажмуамизда 20 киши ишлайди. Ўтган йил Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрихон тумани кенгаши томонидан аъзоликка қабул қилиндик.

Очиғи, жамоада бошланғич ташкилот тузиш таклифи билдирилганида, бироз иккиландик. Иш берувчи сифатида мени "Касаба уюшмасига аъзо бўлсагу, бундан менга нима наф?" деган савол ўйлантирди. "Ахир ҳар бир ходим шу ерда меҳнат қилиб, бола-чақа боқаётган бўлса, маошини вақтида олаётган бўлса, яна нима керак?" деб ҳисоблар эдим. Бошланғич ташкилот тузилгач, касаба уюшма афзаллигини, энг аввало, ўзим ҳис этдим. Боиси, меҳнаткаш манфаати қанча юқори бўлса, вақтида ишлаб, вақтида дам олса, ижтимоий ҳимоянинг турли шаклларидан фойдаланса, унинг ишга бўлган муносабати яхшиланаркан.

Шакархон Патиддинова, Андижон тумани тиббиёт бирлашмасининг Янгиобод бўлими шифокори:

— Бўлимимизда хизмат қилаётган ҳамкасбларимизнинг деярли барчаси касаба уюшмаси ҳақида тасаввурга эга.

Касаба уюшма қўмитаси байрамларда, таваллуд саналарида бизни эсдан чиқармайди. Санаторийларда навбатма-навбат дам оляпмиз. Маданий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилади. Ҳар бир аъзони рағбатлантиришга ҳаракат қилиняпти. Қисқача айтганда, ижтимоий ҳимоядан кўнгил тўқ. Ўтган йил бўлимимиздаги 60 нафар ходим Фарғона водийси бўйлаб экотуристик саёҳатда бўлди.

Бундан ташқари, яқинда тизимда узоқ йиллар фаолият кўрсатган 40 нафар шифокор ва ҳамшира касаба уюшма маблағи ҳисобидан Самарқанд, Бухоро шаҳарларига саёҳатга олиб борилди.

Зокиржон Турғунов, Андижон қишлоқ хўжалиги институти бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Институтимизда маъмурият ҳамда касаба уюшмаси ҳамкорлигида турли тадбирлар ўтказиш борасида ўзига хос тажриба тўпланган. Байрамлар муносабати билан устоз-мураббийларни, техник ходимларни касаба уюшмаси маблағи ҳисобидан тақдирлаб борамиз.

Ютуқлар билан бирга, соҳага тегишли жиддий бир муаммони ҳам айтиб ўтмасак бўлмайди. Институтда профессор-ўқитувчилар ва техник ходимлардан иборат 603 нафар касаба уюшма аъзоси бор. Улар учун бир йилда санаторийларга 6 тадан 12 тагача йўлланма ажратилади. Бу барча аъзоларнинг бор-йўғи 1,5-2 фоизини қамраб олади, холос. Ўз-ўзидан аёнки, ходимларимизнинг мазкур йўналишдаги имтиёздан фойдаланиш даражаси қониқарсиз.

Бундан ташқари, институтда талабалар касаба уюшмасини алоҳида тузиш керак. Чунки улар орасида эҳтиёжманд оилалар фарзандлари, боқувчисини йўқотган ёки чин етимлар йўқ эмас. Менимча, уларга етарлича эътибор қаратиш, мунтазам равишда моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун ҳам айни шу масалани жиддий ўйлаб кўриш зарур.

"Ishonch" мухбири
Нурилло НЎЪМОНОВ ёзиб олди

НАВОИЙ

Албатта аъзо бўламан

Бир куни дўстим Икром уйимизга йўқлаб келиб, Халқаро хотин-қизлар куни арафасида онасига "сюрприз" қилмоқчилигини айтди. Яъни, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Азамат Мантиев билан Бухородаги "Ситораи Моҳи Хоса" санаторийсига йўлланма ажратилишини келишиб олган экан. Икром билан туман марказига бориб, йўлланма қийматининг 45 фоизини тўлаб, уни қўлимизга олдик. Менинг ҳам кўнглимда шундай истак туғилди. Азамат акага ниятимни айтгандим, йўлланма касаба уюшма тасарруфида бўлган корхонада ишловчиларга берилишини тушунтирди. Агар олмоқчи бўлсам, йўлланма қийматини тўлиқ тўлашимга тўғри келаркан.

Шу кунгача рўзғорни тезроқ ўнглаб олиш учун турли ишлар билан шуғулландим. Энди эса Икром дўстим сингари фермер хўжалигида фаолият юритмоқчиман. Касаба уюшмасига аъзо бўлгач, албатта, мен ҳам меҳнатим эвазига имтиёзли йўлланма олиб, онажонимга совға қилиш ниятидаман.

Бобур ЖЎРАЕВ,
Навбаҳор тумани Метан қишлоғи

Ҳимоячим бўлди

Кутилмаганда ишдан бўшатилдиму кўмак сўраб бормаган идорам қолмади. Тўғрироғи, ҳақлигимга ишонса-да, айрим раҳбарлар бошини ортиқча ғалвага қўйишни исташмади.

Тушкун кайфиятда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига кириб бордим. Кенгаш раиси Назира Тоғаева ва юридик бўлими мудири Алишер Раҳматов дардимни эшитиб, ишга тикланишимда ёрдам беришди.

Касаба уюшмалари ҳар қандай масалада ишловчиларнинг кўмакчисига айланган. Бирор байрам йўқки, эҳтиёжманд, якка-ёлғиз, ёрдамга муҳтож оила вакиллари улар эътиборидан четда қолган бўлсин. Эъзозланаётган кексалар, ардоқ топаётган ишчилар ўз касб-кори ва турмушидан мамнун.

Гулола АБДУРАИМОВА,
Хатирчи тумани

Энг биринчи йўқловчи

Кўп йиллардан буён тумандаги Ўртачўл массивида деҳқончилик қилиб келамиз. Чўл шароитида ҳосил етиштиришнинг ўзи бўлмайди.

Тупроқ билан тиллашадиган аъзоларимиз ҳар қачон меҳнатидан манфаатдор. Ойлик иш ҳақидан ташқари, уларга бўғдой, сомон ва полиз маҳсулотлари берилади. Дала аъзоларимизнинг иккинчи уйига айланган. Белгиланган ғалла ва пахта режаларини ҳар йили нафақат туманда, вилоятда ҳам биринчилардан бўлиб бажариб келмоқдамиз.

Ўтган йили пахтадан мўл ҳосил кўтардик. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ташкил этилган тарғибот гуруҳи аъзолари хўжалигимизда бўлиб, теримчи қизлар ва илғор ишчиларга қимматбаҳо совғалар топширишди. Бундай эътибор ҳар қандай жамоани янги зафарлар сари ундайди.

Бир сўз билан айтганда, касаба уюшмалари биз, дала меҳнаткашларининг ҳам мустаҳкам суянчиғига айланиб бораётганидан хурсандмиз.

Раъно ВАЛИЕВА,
Қизилтепа туманидаги "Валиобод" фермер хўжалиги раиси

ЖИЗЗАХ

Имконият, ҳуқуқ, манфаат

И.Эрматов, "Jizzax-Plasteks" қўшма корхонаси ишчиси:

— "Jizzax-Plasteks" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси иш бошлаши натижасида 800 киши иш билан таъминланди. Корхонамиз йилига 12 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга. Қувватлар босқичма-босқич ишга туширилмоқда.

Корхонада бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузилган бўлиб, фаолиятини муваффақиятли тарзда олиб бормоқда. Аъзоларимиз 2014-2016 йилларга тузилган жамоа шартномасида белгиланган имтиёз ва қулайликлардан баҳраманд бўляпти.

Иш уч сменада ташкил этилган бўлиб, ходимларни автобус манзилига элтиб қўяди. Кечки ва тунги сменада бепул иссиқ овқат берилаяпти. Шунингдек, сут, қатиқ, тушлик овқат бепул. Иш жойида кийиш учун 3 млн. сўмлик енгил оёқ кийимлари тарқатилди. Махсус кийим-бош билан таъминланганмиз. Икки нафар ходим "Зомин" санаторийсида имтиёзли йўлланма билан дам олиб қайтди. Ишловчиларнинг юздан ортиқ фарзанди мактаблар қошидаги, 16 нафари эса "Пахтакор", Ш.Рашидов номидаги оромгоҳларда мириқиб хордиқ чиқарди.

Жамоа шартномасига кўра ходимга никоҳ тўйи муносабати билан моддий ёрдам кўрсатилади.

Бу каби аъзолик афзалликларининг санаб адоғига етиб бўлмайди. Демак, энг оммавий жамоат ташкилотига аъзо бўлиб ҳеч ҳам хато қилмабмиз.

И.ЮНУСОВ, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири:

— Нодавлат хўжалик юритувчи субъектларни касаба уюшмасига жалб этиш ишлари анча жонланди. Ўтган йили 1179 та нодавлат секторда фаолият юритаётган 4941 нафар ходим аъзоликка олинди. Бу кўрсаткич аввалги йилдагига нисбатан икки ҳисса ортиқ.

Янгидан ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектларга ташкилий-ҳуқуқий жараёнда жамоатчилик асосида кўмак берувчи "Услубий марказ" фаолияти диққатга сазовор. Мазкур марказ томонидан 104 та мурожаат бўйича амалий кўмак берилди.

Бирлашма кенгаши жойларда турли бўғиндаги касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш борасидаги ишлар изчиллик билан олиб борилаяпти. Молия, соғломлаштириш, ташкилий ишлар, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимоя, ҳуқуқий масалаларда ўтказилаётган ўқув-семинарларда барча тармоқ ташкилотларидан 2500 дан зиёд фаоллар жалб этилган бўлиб, аксарияти нодавлат секторни қамраб олгани эътиборли.

"Ishonch" мухбири
Абдуманнон АЗИМОВ ёзиб олди

Гувоҳи бўлганингиздек, ходимлар касаба уюшма афзалликларини ҳис этишаяпти. Бу муваффақият. Лекин, тан олиб айтишимиз керак, касаба уюшма аъзолигига кирмаган ташкилотларда ишловчилар ўз фикрларини очиқ айтишдан истиҳола қилишди. Буни ҳам тушунса бўлади. Негаки, иш берувчига ёмон кўриниш яхшиликка олиб келмаслиги мумкин. Шундай экан, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, касаба уюшмасининг иш берувчига ҳам, ходимга ҳам бирдек манфаатли эканини етказа олиш тизим фаоллари олдида турган асосий вазифа ҳисобланади.

2015-yil 19-mart, payshanba, № 36-37 (3542), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Оммавийлик ва маҳорат кўриги

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ташкилот ва корхоналарда йўлга қўйилган ходимлар гимнастикаси, ташкиллаштирилаётган спорт мусобақалари, велоспорт тарғиботи ва яна кўплаб хайрли тадбирлар охир-оқибат юрт тараққиётида муҳим ўрин тутаётгани ҳам сир эмас.

Юртимизнинг барча ҳудудларида, айниқса, қишлоқ жойларида спортнинг оммавий турлари бўйича мусобақалар, тармоқлараро спартакиадалар, оилавий спорт тадбирлари ташкил этилиб, уларга турли соҳаларда меҳнат қилаётган ходимлар кенг жалб этилмоқда.

Жумладан, "Спорт — саломатлик гарови" шиори остидаги спартакиада тўрт босқичда спортнинг сузиш, волейбол, стол тенниси, бадминтон, шахмат ва шашка турлари бўйича ўтказилди. Мусобақанинг қуйи босқичларида **30 минг 500 га яқин корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 6 млн. 88 минг нафардан ортиқ ходим қамраб олингани, 380 минг 525 та жамоа** иштирок этганлигининг ўзиёқ, спартакиаданинг қанчалик оммавийлашиб бораётганидан дарак бериб турибди.

Спартакиаданинг финал босқичи тўрт ҳудуд — Тошкент шаҳри, Андижон, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида уюшқоқлик билан ташкил этилди. Ҳақиқий спорт байрамига айланган мазкур мусобақаларда вилоят босқичида ғолиб бўлган 252 нафар турли соҳа ходими дўстона руҳда беллашди.

***

Олий ўқув юртлариаро спорт мажмуасида Тошкент шаҳри, Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари ғолиблари ўзаро куч синашди.

Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация Кенгаши раиси ўринбосари Тўлқин Тешабоев мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишда муҳим восита сифатида жадал ривожланаётганини таъкидлади.

Қизиқарли кечган мусобақада шахмат бўйича Тошкент вилояти вакиллари Мирзаёқуб Миралиев ва Мафтуна Маматқулова, шашка бўйича тошкентлик Баҳодир Убайдуллаев ва сирдарёлик Гавҳар Мирзаахмедова, стол теннисида тошкентлик Қаҳрамон Ҳасанов ва Тошкент вилоятидан Ирина Шоаҳмедова, бадминтон баҳсларида тошкентлик Сергей Гимадеев ва Дилфуза Султонова, сузиш мусобақаларида сирдарёлик Ахтем Сеттаев ва тошкентлик Елена Лисицкая ғолибликни қўлга киритди. Волейбол беллашувларида пойтахт шаҳри жамоаси шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Якуний натижаларга кўра, Тошкент шаҳри жамоаси биринчи, Тошкент ва Жиззах вилояти жамоалари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллади.

Шунингдек, Сайдулла Суюнов (Жиззах) ва Рашида Абиляева (Сирдарё) "Энг ёши улуғ иштирокчи", Умар Холбоев (Жиззах) ва Наталя Коробкова (Сирдарё) "Ғалабага бўлган интилиши учун", Қобил Носиров (Сирдарё) ҳамда Жамила Абдуғаффорова (Жиззах) "Энг маҳоратли ҳаваскор спортчи", Гавҳар Шарипова (Тошкент шаҳри) ва Жонибек Хидиров (Жиззах) "Энг ёш иштирокчи" номинациялари бўйича совриндор бўлдилар.

— Спорт билан шуғулланиш ҳар биримизнинг кундалик юмушимизга айланмоғи керак. Чунки, соғлом одамнинг ишида унум, кайфияти кўтаринки бўлади, — деди мусобақа ғолиби, "Капиталбанк"АКБ ички назорат департаменти директори Қаҳрамон Ҳасанов.

— Касаба уюшмалари томонидан ташкил этилаётган спорт мусобақалари ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради. Сирдарё вилоятида ҳам бундай беллашувлар кўтаринки руҳда ташкил этилди. Спартакиадаларда ёши улуғ инсонларнинг фаол иштирок этгани, айниқса, хурсанд қилади, — деди Рашида Абиляева.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Мусобақа якуни куй ва қўшиқларга уланиб кетди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
"Ishonch" мухбири

***

Андижон шаҳрида ташкил этилган спартакиаданинг республика минтақавий босқичида Фарғона, Наманган ҳамда Андижон вилояти вакиллари қатнашдилар.

Андижон олимпия захиралари коллежида мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари Қодиржон Ризаев ҳамда ЎзКУФК маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бош мутахассиси Эътиборхон Раҳмонова саломатлик спартакиадаси йилдан-йилга оммавийлашиб, қамрови кенгаяётганлигини, ташкилот ва муассасалар, ишлаб чиқариш корхоналарида спорт ва жисмоний тарбия машғулотлари ишчи-ходимлар учун кундалик жараённинг бир бўлагига айланиб бораётганлигини таъкидлаб, қатнашчиларга омад тиладилар.

Ўйинлар жараёнида барча иштирокчиларнинг фаоллиги, ҳаваскорликдан профессионаллик сари интилишлари яққол кўзга ташланди. Бадминтон бўйича муросасиз баҳсларда андижонлик Мансурхон Нажмиддинов ҳамда Сурайё Аҳмаджонова биринчиликни эгаллаган бўлса, стол тенниси мусобақаларида Наманган вилояти вакили Зокиржон Олимов ва андижонлик Гулнора Акбарова пешқадамлик қилишди. Шахмат бўйича биринчилик Намангандан Жаҳонгир Раҳимов, Маҳмуда Маматова, шашка йўналишида эса Андижондан Авазбек Исмоилов, Каримахон Мирзаеваларга насиб этди.

Сузиш бўйича ўтказилган беллашувларда андижонлик Дониёр Собиржонов, А. Куралисова ғолибликни қўлга киритишди. Волейбол мусобақаларида ҳам Бобур юрти вакиллари улоқни қўлдан беришмади. Умумий ҳисобга кўра, андижонликлар биринчи, Наманган ва Фарғона вилояти вакиллари иккинчи ва учинчи ўрин соҳибига айланишди.

Спартакиадада, шунингдек, "Энг ёш иштирокчи", "Энг ёши улуғ иштирокчи", "Энг маҳоратли ҳаваскор спортчи", "Ғалабага бўлган интилиши учун" номинациялари бўйича икки нафардан қатнашчи тақдирланди.

— Спартакиадада илк бор қатнашишим, — дейди Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 3-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Адолат Жўмартова. — Бир неча йил илгари — ўқувчилик давримда "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" мусобақаларида ҳам иштирок этганман. Аммо турли ёшдаги ва касбдаги рақиблар билан майдонга тушишнинг гашти бошқача экан. Беллашувга тайёргарлик жараёнида янада чиниқдик. Чиниққан одамга эса дард юқмайди. Энг муҳими, спартакиада баҳонасида турли ҳудудлардан кўплаб дўстлар орттирдик, спорт ва иш фаолияти юзасидан бир-биримиздан билмаганларимизни ўргандик, тажриба алмашдик.

— Бир кунлик спорт машғулотлари кишига камида бир ойлик руҳий тетиклик, яхши кайфият бағишлайди, — дейди мусобақалар бош ҳаками, Андижон давлат университети ўқитувчиси Шавкатбек Авазбадалов. — Шу маънода мазкур спартакиаданинг корхона ва ташкилотлар ходимларининг меҳнат фаолияти самарадорлигини оширишдаги, соғлом турмуш тарғиботидаги аҳамияти катта.

Беллашув ғолибларини тақдирлаш маросими вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ўтказилди. Байрамона безатилган дастурхон атрофида жам бўлган иштирокчиларга маданият ва спорт ишлари бошқармаси санъаткорлари томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

Нурилло НЎЪМОНОВ,
"Ishonch" мухбири

***

Термиз мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи спорт заллида спартакиаданинг республика минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Унда Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти ғолиблари ўзаро беллашди.

Очилиш маросимида Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси А.Аҳмедов мусобақа иштирокчиларини қутлаб, кўтаринки руҳ ва юқори натижалар тилади.

Стол тенниси баҳсларида Қашқадарё вилояти вакили Зиёвуддин Қосимов ва Самарқанд вилоятидан Моҳира Пиримова, шашка бўйича сурхондарёлик Караматулло Қурбонов, қашқадарёлик Дилсора Бердиева, бадминтон ва шахмат бўйича Самарқанд вилояти вакиллари Шерзод Раҳматов, Ҳуснобод Раҳматова, Жамшид Акобиров ва Ҳожар Нарзиқулова биринчи ўринни эгаллади. Сузиш мусобақаларида биринчи ўрин мезбон вилоят вакиллари Шаҳбоз Нурмаматов ҳамда Веолета Мерсилкога насиб этди. Волейбол баҳсларида Қашқадарё вилояти жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

Умумий ҳисобда Қашқадарё вилояти вакиллари биринчи, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари жамоалари иккинчи ва учинчи ўринларга сазовор бўлди.

Ғолиб спортчи ва пешқадам жамоаларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация Кенгашининг диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Беллашувлар ҳақида мусобақа бош ҳаками Баҳром Ҳамроев шундай дейди:

— Таъкидлаш жоизки, спортчиларнинг ҳар бири ғалаба учун жиддий кураш олиб борди. Спартакиаданинг 4 босқичда ўтказилиши эса, мамлакатимиздаги барча корхона, ташкилот ҳамда муассасаларида спортга алоҳида эътибор берилаётганлиги, ходимларнинг у ёки бу спорт тури билан мунтазам равишда шуғулланаётганликларини намоён этди.

— Спартакиада сабаб мамлакатимизнинг жанубидаги жавоҳир — Амир Темур орденли Термиз шаҳрида бўлиш насиб этди, — деди Самарқанд вилоят КУТБ маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Акбар Абдусаидов. — Ҳаким ат-Термизий, Султон Саодат, Қирқиз, Кокилдор ота сингари муқаддас қадамжоларга зиёратдан бошим осмонга етди. ТерДУнинг бош биноси, "Бахт уйи", "Сурхон" спорт мажмуаси, шаҳардаги бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиб, шаҳарнинг бугуни ва эртаси янада порлоқ бўлишига ишонч ҳосил қилдим. Бу кўҳна ва навқирон шаҳарда Марказий Осиёда ягона бўлган "Археология" музейини мириқиб томоша қилиб, завқ олдим.

Рустам ДАВЛАТОВ,
"Ishonch" мухбири

***

Бухоро нефт ва газ саноати касб-ҳунар коллежининг спорт мажмуаси байрамона тус олди. Бу ерда "Спорт — саломатлик гарови" спартакиадасининг минтақавий республика босқичи иштирокчилари Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилояти вакиллари жамулжам бўлишди.

Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Ғ.Сафаров мусобақа иштирокчиларини муборакбод этар экан, корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимларни турли касб касалликларидан спорт ва соғлом турмуш тарзи асослари орқали муҳофаза қилиш қанчалар хайрли эканлиги борасида сўз юритди.

Спорт фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Болта Ғаффоровнинг ишораси билан мусобақаларга старт берилди. Қизғин беллашувлар бошланди.

Сузиш бўйича навоийлик спортсеварларнинг устунлиги қайд этилди. Навоий кон-металлургия комбинати муҳандиси Рафаэл Бегишев эркаклар ўртасида ғолибликка эришган бўлса, аёллар ўртасида "Сўғдиёна" спорт клуби ходими Анна Фоминанинг қўли баланд келди. Шахмат мусобақаларида Гурлан туманидаги 7-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Насиба Холбоева ва Бухоро шаҳридаги 4-БЎСМ ходими Рустам Маҳмудов 1-ўринни эгаллади. Шашка баҳсларида аёллар ўртасида қорақалпоғистонлик Гулжаҳон Мамутова, эркаклар ўртасида навоийлик Алишер Дониёров энг кўп очко тўплаб, ғолибликни қўлга киритди. Бадминтон беллашувлари бухороликларнинг яққол устунлигида якунланди. Ғиждувон туманидаги 8-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати тўгарак раҳбари Юка Сигихара ва "Ўзбекистон почтаси" акционерлик жамияти Бухоро филиали ходими Бахтиёр Кенжаев барча рақибларидан устун келдилар. "Навоийазот" акционерлик жамияти ишчиси Олег Кан ва Шофиркон туманидаги 12-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Гулруҳ Сиддиқова стол тенниси сирларини пухта эгаллаганларини амалда намоён этиб, ғолиблар сафидан ўрин олдилар.

Волейбол баҳслари айниқса қизиқарли кечди. Пировардида Навоий шаҳар халқ таълими ходимларидан иборат волейболчилар спартакиадага пухта тайёргарлик кўрганликларини исботладилар.

Мусобақанинг якуний натижаларига кўра энг кўп очко тўплашга эришган Навоий вилояти вакиллари ғолиб деб топилди. Бухоро ва Хоразм вилоятлари спортсеварлари иккинчи ҳамда учунчи ўринга лойиқ кўрилди.

Спартакиада иштирокчилари ўртасида таъсис этилган "Энг ёш иштирокчи" номинацияси Хоразм вилояти вакили Кумушхон Эрназаровага насиб этган бўлса, "Энг маҳоратли ҳаваскор спортчи", "Энг ёши улуғ спортчи", "Ғалабага бўлган интилиши учун" каби уч номинация қорақалпоғистонлик аёлларга топширилди.

Норимхон НУРМОНОВА, Навоий вилояти КУТБК маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири:

— 19 нафар ходимимиз билан спартакиадада иштирок этдик. Натижаларимиздан хурсандмиз. Спортнинг волейбол, сузиш, стол тенниси, шашка, шахмат турлари бўйича юқори натижаларга эришган ҳолда биринчи ўринни эгалладик. Бундай тадбирлар фахр туйғусини бағишлаб, масъулиятли бўлишга чорлаши табиий.

Женисбой АЯПОВ, Қорақалпоғистон Республикаси КУТБ етакчи мутахассиси:

— Мусобақалар кўтаринки руҳда ўтди. Хато ва камчиликларимизни билиб олдик. Муҳими, кўплаб ҳамкасбларимиз билан танишдик, ўзаро фикрлашиб олдик. Оммавий спортни ривожлантириш учун янада фаол ишлаш лозимлигини ҳис этдик.

Қаҳрамон МАШАРИПОВ, Хоразм вилояти КУТБК маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири:

— Қадимий Бухорога ҳамиша ҳавас билан қарайман. Бугун вилоятда катта ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдик. Дўстлик ва ҳамкорликдаги ҳаракатларимиз келгусида янада яхши самара беришига ишонаман.

Юка СИГИХАРА, Бухоро вилояти вакиласи:

— Японияликман, салкам 2 йилдан бери шу ердаги мактабда фаолият кўрсатаман. Бадминтонни жуда севаман. Мусобақаларда қатнашиб, биринчи ўринни эгаллаганимдан хурсандман. Бухоро ва бухороликлар, уларнинг урф-одатлари, кийиниш маданияти, донолиги, таомлари менга жуда ёқади. Ўзбек тилини ўргандим. Ўқувчиларга япон тилини ўргатяпман. Бу ердаги спортга бўлган эътибор менинг ҳавасимни келтирди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
"Ishonch" мухбири.
"Ishonch" фотомухбири
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар





● Бокс

УЧ ОЛТИН, БИР КУМУШ

Вилнюс шаҳрида бокс бўйича анъанавий халқаро турнир ўтказилди.

Ўнинчи бор ташкил этилган мазкур мусобақада Литва, Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Россия, Франция, Голландия, Греция, Италия, Полша, Чехия, Грузия, Беларус, Эстония, Украина ва Латвия давлатларидан ёш "чарм қўлқоп" усталари ғолиблик учун баҳс юритди.

Эътиборли жиҳати, халқаро турнирда иштирок этган беш нафар боксчимиздан тўрттаси совриндорлар сафидан жой олди.

Терма жамоамиз ҳисобига олтин медалларни Бобурмирзо Толипов (-60 кг.), Иқболжон Холдоров (-64 кг.) ва Обиджон Тоҳиров (-91 кг.) келтиришди. Финалга қадар кечган жангларни мағлубиятсиз ўтказган яна бир истеъдодли боксчимиз Козимбек Мардонов (-75 кг.) эса кумуш медал соҳибига айланди.

Халқаро турнирда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

● Шахмат

ҚИЗҒИН ПАЛЛА

Пойтахтимизда шахмат бўйича Ўзбекистоннинг биринчи гроссмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишлаб ўтказилаётган анъанавий халқаро турнир давом этмоқда.

7-тур баҳсларидан сўнг пешқадамлар сафи тўрт нафардан икки нафарга қисқарди. Навбатдаги ғалабаларни ўз ҳисобига ёзиб қўйган Владислав Артемиев (Россия) ва Владислав Ткачёв (Франция) очколари сонини олтитага етказиб, турнир жадвалида карвонбошилик қилишмоқда.

Улардан ярим очко кам жамғарган Тигран Петросян (Арманистон), Акмал Файзуллаев (Ўзбекистон) ва Сергей Волков (Россия) мос равишда 3-5 ўринларни банд этган.

Бир йўла 11 нафар шахматчи ҳисобида эса 5 тадан очко мавжуд. Эътиборлиси, уларнинг етти нафари Ўзбекистон шахмат мактаби тарбияланувчиларидир. Булар — Улуғбек Тиллаев (6-ўрин), Иброҳим Каримов (7-ўрин), Баҳодир Холмирзаев (8-ўрин), Алишер Бекмуродов (9-ўрин), Алексей Барсов (10-ўрин), Сарвиноз Қурбонбоева (13-ўрин) ва Марат Жумаевдир (14-ўрин).

● Спорт гимнастикаси

ФОКИН — СОВРИНДОР

Олимпия ўйинларининг бронза медали совриндори ҳамюртимиз Антон Фокин Франциянинг Сент-Этьен-дю-Рувре шаҳарчасида ўтказилган Франция кубоги беллашувларида иштирок этди.

Келаси ҳафта Германияда старт оладиган Жаҳон кубоги баҳсларига қизғин ҳозирлик кўраётган юртдошимиз учун мазкур мусобақа ўзига хос тайёргарлик босқичи вазифасини ўтаб берди.

Антон Фокиннинг брусда бажарган машқи ҳакамлар томонидан 15,6 баллга баҳоланди ва бу спортчимизга бронза медалини тақдим этди.

● Бадиий гимнастика

АНАСТАСИЯНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Истеъдодли спортчимиз Анастасия Сердюкова учун Рига шаҳрида (Латвия) ташкил этилган халқаро турнир хайрли кечди.

Россия, Қозоғистон, Швеция, Норвегия, Украина, Полша давлатларидан келган гимнастикачилар билан баҳсга киришган вакиламиз тўп билан машқ бажаришда 16.867 балл тўплаб, бронза медал соҳибасига айланди.

Ўз мухбиримиз

Ishonch

2015-yil 19-mart, payshanba, № 36-37 (3542), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ХОТИРЖАМЛИК ҚАДРИ

“АФҒОН” АМАКИЛАР

Икки амакимиз бор. Қорувли, бардам-бақувват. Иккаласиям “афғон”. Бири — Ўрол амаким ҳаво, яна бири — Чори амаким пиёда қўшинларида хизмат қилган.

Уларнинг ҳарбий хизматдан қайтган куни яхши эсимда. Бобомизнинг ҳовлиси тўла одам, ҳамма хурсанд. Лекин бу “байрам”нинг нархи анча қимматга тушганини кейинчалик тушундим.

Иккала ўғлини кута-кута момом бечоранинг кўкайи кесилган эди. Ўғилларини тирик кўрган онанинг севинч ёшларини тасвирлаб бериш осон эмас...

Улар-ку урушдан қайтди, лекин асорати барибир қолаверди. Иккаласиям анча асабий эди. Сал нарсага тизинглаб кетарди.

Ўрол амаким уруш ҳақида ҳеч гапирмасди. Ишини қилиб юраверарди. Бир синфдошининг онасидан тез-тез хабар олгани борарди. Кейин отам айтиб берди: синфдоши қўлида жон берган экан. Шуни ҳалигача онаизорга айтолмайди.

Онасига бедарак кетган деб айтган экан. Энди тушунаман: не-не умид билан ўтирган муштипар онага қандай қилиб ўғлингиз қўлимда жон берган, деб айтиш мумкин? Бечора она ўғлини кута-кута бу дунёдан кўз юмди. Эсласам, ҳалиям товонимгача зириллаб кетади...

Бир куни кечқурун ҳамма уйқу оғушида эканида, ҳовлида қий-чув бўлиб кетди. Чўчиб уйғондим. Қарасам, отам Чори амакимни қучоқлаб олган. У нималардир деб бақирар, сафдошларини жангга чорларди. Кейин яна бир гап айтган. Ҳалигача хотирамга муҳрланиб қолган: «Ҳаммангни битта-битта сўяман!»

Билдимки, қон кечиб юрган одамнинг тинч ҳаётга кўникиб кетиши осон кечмайди. Вақт ўтиб, урушдан қайтганига ўзи ҳам ишонди, шекилли, ўқиди, ишлади, оила қурди. Лекин ҳалиям танасидаги “осколкалар” бот-бот безовта қилади (бир гал гап очилиб, минага учганини сўзлаб берганди. Урушдан гапиришни хоҳламасди, гапирган одамни ёқтирмасди).

Ҳар йили шифохонада ётиб чиқади. Кўргани борганларимда атайлаб бошқа мавзуларда гурунг бераман. Кўнглини оғритгим келмайди. Бел безовта қилди-да, жиян, ўзинг биласан-ку, дейди синиқ жилмайиб.

Урушга бормаганимга, бугунги йигитлар дориломон замонда ҳарбий хизматни ўтаётганига, қон кечиб юрмаганига чин дилдан шукрона келтираман...

Бугун жафокаш афғон халқи орасига нифоқ уруғини сочаётган, яна уруш алангасига мой қуяётганларга эса айтгим келади: «Барака топгур, сениям ўғил-қизинг, вояга етказган ота-онанг бордир? Агар жонинг фойдага қолган бўлса ҳам, жилла қурса, шуларни ўйламайсанми, биродар?..»

ТАНК КЎРГАНИМ

Бир сафар Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳақида мақола тайёрлашга тўғри келиб қолди. Борсак, курсантлар дала ўқув-машғулотлари (“полигон”)га жўнаб кетишган экан. Изма-из етиб бордик. Танклар занжирларини ғичирлатиб у ёқдан-бу ёққа юрибди, курсантлар чапдастлик билан техникани бошқараётир... Чанг-тўзон...

Журналист халқи — кўп қизиқувчан халқ. Мезбонларнинг кўзини шамғалат қилиб, танклардан бирига яқинлашдим.

Кейин минг пушаймон қилдим. Кутилмаганда, ёшгина капитан отишга рухсат бериб қолди-ку! Вадаванглаб кетган овоздан қулоқларим чиппа битиб, жон-поним чиқиб кетай деди.

Олдимга югуриб келган капитан юзимга қаради-ю, флягасини тутди. Ўзимни босишга минг уринаман, қани энди қўлимдан келса...

Шунда ўзимни жанг майдонида тасаввур қилиб кўрдим. Бу ўқув машғулотимас, росмана жанг бўлса-чи? Бугун ўтакамни ёрган танк мен томон чинакамига снарядини отиб қолса-чи? Ҳаёлим алғов-далғов бўлиб кетди... Ўзи сақласин...

ҚОРАЕВ БУВА

Қишлоғимизда катта бир тепалик бор. Шу тепаликнинг ёнида Қораев бува ҳовли ташлаган. Баҳор келди дегунча, қўйларини шу атрофда ўтлатгани чиқарди. Биз — бола-бақра чиллак ўйнагани, ё варрак учиргани.

Бобо жуда мулойим, кўпни кўрган кайвони отахонлардан эди. Улуснинг тўйи борми, азасими, бобонинг маслаҳатисиз ўтмасди. Бировнинг шўтаноқ ўғли бўлса, шу бобо йўлга солиб берар, бировнинг ҳақини биров еб кетишига ҳам йўл қўймасди.

Яна биламизки, Қораев бува урушга борган, кўп душманни ўлдирган. Бола эканмиз-да, уруш ҳақида қизиқиб сўрайверардик. Шундай пайт Қораев бува кўп ҳазин тортарди. Кейин бошимизни силаб, бир гапни такрорларди:

— Қўзичоқларим, у урушларни кўргулик қилмасин. Ўт балосидан, сув балосидан, ёш жоннинг қирғинидан Худо асрасин.

Бугун дунёнинг турли чеккаларида юз бераётган қирғинлар қанча жоннинг умрига зомин бўлмоқда. Қанчадан-қанча оилаларга кулфат келтирмоқда. Шуларни ўз кўзи билан кўрган Қораев бувانинг бошимизни ҳазин силаб қўйишларида, энди ўйлаб кўрсам, кўп маъноли бор экан.

Дунёга машҳур, истеъдодли японияли режиссёр Акира Куросаванинг “Дерсу Узала” номли филми бош қаҳрамонининг қизиқ гапи бор:

— Шамол, сув, олов яман адам. Улар бир аччиқланса, яман адам.

Дерсуга эргашиб шуни айтишимиз мумкинки, уруш ҳам “яман адам”. Уни «аччиқлантирмаслик» эса сизу бизнинг, барчамизнинг қўлимизда.

ОНАМНИНГ ДУОСИ

Дунёда онасини яхши кўрмайдиган инсон бўлмаса керак. Айниқса, биз, шарқликлар онага ўзгача эҳтиром, ҳурмат туйғуси билан қараймиз. Зеро, бизни ўстириб, улғайтирган, жонимизга жон бўлгулик оналарни ҳар қанча ҳурматласак кам.

Онамнинг доимий айтадиган дуолари бор: кечанинг тинчини бергин, кундузнинг ҳузур-ҳаловатини. Зеро, кечангда тинчлик, кундузингда ҳаловат бўлмаса, дунёнинг минг ҳузури ҳам татимайди. Болангизни дўконга нон олиб келишга хотиржам юбора олмаслик даҳшатини тасаввур қилиб кўринг, қадрдон...

Шукрки, бугун юртимизда тинчлик ҳукмрон. Элимиз эмин-эркин умргузаронлик қиляпти. Муаммолар йўқ эмас, бор. Лекин уларни аста-секин бирдамлик, элимизга хос сабру қаноат билан енгиб ўтиш, порлоқ манзилларга интилиш мумкин. Зеро, эртасидан умиди йўқ кишининг эртаси бўлмайди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
“Ishonch” мухбири

ЎзА сурати

Реклама ва эълонлар

«Universal Realtor» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2015 йил 27 апрел куни соат 10:00да бошланғич баҳосини босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган “Очиқ аукцион” савдосига “ITTIFOQ-RAXIMOVA UMIDAXON” фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилояти Зангиота тумани “Туркистон” ҚФЙ ҳудудида жойлашган 5,60 га ер майдони участкасида экилган 180 туп олхўри ва 150 туп гилос, жами 330 туп дарахтлардан иборат Мевали боғ ва унга бўлган ҳуқуқ қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 5 800 000 сўм.

2015 йил 27 апрел куни соат 11:00да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган “Очиқ аукцион” савдосига «DO‘RMON-IBRAGIMOV HAMIDULLA» фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилояти, Қибрай тумани “Туркистон” ҚФЙ ҳудудида жойлашган 15,6 га ер майдони участкасида экилган 130 туп гилос, 1257 туп олма, 766 туп олхўри дарахтлари иборат Мевали боғ ва унга бўлган ҳуқуқ қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 3 000 000 сўм.

2015 йил 27 апрел куни соат 11:30да бошланғич баҳосини босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган “Очиқ аукцион” савдосига «TURON-DADOL» фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилояти, Қибрай тумани “Унқўрғон” ҚФЙ ҳудудида 9,6 га ер майдони участкасида жойлашган Шийпон биноси умумий майдони 130,19 кв.метр, Омборхона биноси умумий майдони 19,25 кв.метр, 650 туп олхўри, 6 туп ўрик, 5 туп ёнғоқ, 12 туп бодом дарахтларидан (мевали боғ) иборат кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 40 000 000 сўм.

2015 йил 27 апрел куни соат 12:00да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган “Очиқ аукцион” савдосига «YON-ARIQ-SAGDULLAYEV ABDUSAMAT» фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилояти, Қибрай тумани “Ёнариқ” ҚФЙ ҳудуди 4,84 га ер майдони участкасида жойлашган 1200 туп олма дарахтларидан иборат мевали боғ ва уларга бўлган ҳуқуқлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 7 500 000 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй, Савдо ташкилотчисининг 2-қаватида жойлашган савдолар залида ўтказилади.

Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда расмий иш кунлари соат 10:00дан 17:00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2015 йил 24 апрел куни соат 15:00да тўхтатилади. Ушбу кунда сотилмай қолган кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг такрорий аукцион савдолари 2015 йилнинг 4-,11-,18 май кунлари соат 11:00да юқорида кўрсатиб ўтилган манзилда ўтказилади. Такрорий аукцион савдолари учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 1-,8-,15 май кунлари соат 11:00да тўхтатилади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида Сотувчи билан кўчмас мулк объекти ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг олди-сотди шартномасини тузиши лозим.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг кўчмас мулк объекти ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Realtor» МЧЖнинг ОАТБ «Капитал банк» Тошкент шаҳар филиалидаги МФО-00445, СТИР-302269399, 2020 8000 1049 7522 8001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан бирга топшириши керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Қўшимча маълумот олиш манзил: **«Universal Realtor» МЧЖ 100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон: 150-35-55 Факс: 236-26-65 www.realtor.uz E mail universal.realtor@mail.ru**

Хизматлар лицензияланган.

«Navoiy mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарори ҳамда НКМК ДК “Шимолий кон бошқармаси”нинг 2015 йил 12 мартдаги 01/271-сонли буюртманомасига асосан мазкур корхонада сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 2006 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 425 NAA бўлган “МАЗ-551605-223-024” русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 7 573 472 сўм.**
2. 2006 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 062 HAA бўлган “МАЗ-642208-232” русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 7 674 676 сўм.**
3. 2006 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 422 NAA бўлган “МАЗ-642208-232” русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 7 674 676 сўм.**
4. 2006 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 419 NAA бўлган “МАЗ-551605-223-024” русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 7 674 676 сўм.**
5. 2004 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 372 NAA бўлган “Ниссан-максима” русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 5 647 288 сўм.**
6. 1992 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 376 BAA бўлган “УАЗ-31512” русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 1 419 859 сўм.**
7. 1994 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 574 BAA бўлган “Шевроле-2500” русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 3 832 785 сўм.**
8. 1991 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 354 BAA бўлган “ГАЗ-53-12” русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 3 277 111 сўм.**
9. 1987 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 195 BAA бўлган “ЗИЛ-431410” русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 3 100 634 сўм.**
10. 1983 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 338 BAA бўлган “ГАЗ-53Б” русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 3 068 716 сўм**.
11. 1993 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 216 BAA бўлган “ГАЗ-3307” русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 3 105 727 сўм.**
12. 1995 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 21 AB 971 бўлган “ВАЗ-21099” русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 791 226 сўм.**
13. 1999 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 753 HAA бўлган “УАЗ-31512” русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 1 419 859 сўм.**
14. 1985 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 176 BAA бўлган “ЗИЛ-ММЗ-555” русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 3 035 284 сўм.**
15. 1997 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 21 AJ 559 бўлган “Фольксваген” русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 2 825 629 сўм.**
16. 1993 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 486 BAA бўлган “Москвич ИЖ-2715” русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 484 380 сўм.**
17. 1998 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 503 BAA бўлган “УАЗ-39091” русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 1 380 798 сўм.**
18. 1995 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 270 BAA бўлган “ГАЗ-330210” русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 2 469 508 сўм.**
19. 1998 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 204 BAA бўлган “УАЗ-39091” русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 1 380 798 сўм.**
20. 1988 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 285 BAA бўлган “УАЗ-3303-01” русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 1 295 687 сўм.**
21. 1993 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 321 BAA бўлган “ГАЗ-3307” русумли автотранспорт. Бошланғич баҳоси – 3 105 727 сўм.
22. 1998 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 206 BAA бўлган “УАЗ-39091” русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 1 380 798 сўм.**
23. 2006 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 531 BAA бўлган “ГАЗ-330210” русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 2 469 508 сўм.**
24. 1983 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 317 BAA бўлган “ЗИЛ-ММЗ-555” русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 3 466 350 сўм.**
25. 1983 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 588 BAA бўлган “ЗИЛ-ММЗ-4502” русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 3 466 350 сўм.**
26. 1991 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 311 BAA бўлган “ЗИЛ-431412” русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 3 419 109 сўм.**
27. 2001 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 21 AB 974 бўлган “ГАЗ-32214” русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 2 952 702 сўм.**
28. 1986 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 32-86 ЧЗ бўлган “МТЗ-80-10” русумли трактори. **Бошланғич баҳоси — 3 387 431 сўм.**
29. 1999 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 32-54 ЧЗ бўлган “МТЗ-80-10” русумли трактори. **Бошланғич баҳоси — 3 514 628 сўм.**
30. 1999 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 07-37 ЧЗ бўлган “МТЗ-80-10” русумли трактори. **Бошланғич баҳоси — 3 514 628 сўм.**
31. 1976 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақамисиз бўлган “2-ПТС-4” русумли трактор тиркамаси. **Бошланғич баҳоси — 523 416 сўм.**
32. 1989 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 07-89 ЧЗ бўлган “2-ПТС-4” русумли трактор тиркамаси. **Бошланғич баҳоси — 523 416 сўм.**
33. 1989 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 43-76 ЧЗ бўлган “МТЗ-80” русумли трактори. **Бошланғич баҳоси — 3 274 372 сўм.**

Савдо 2015 йил 20 апрел куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 17 апрел куни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2015 йил 20 апрел куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2015 йил 6-,27 май, 10-,24 июн, 8-,22 июл, 5-,12-,19 август кунлари соат 10:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: Такрорий савдолар учун 2015 йил 4-, 25 май, 8-,22 июн, 6-,20 июл, 3-,10-, 17 август кунлари соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби сотувчи билан аукцион ўтказилган кундан бошлаб 20 кун ичида олди-сотди шартномасини тузиши лозим. Кўрсатилаётган хизматлар учун қўшимча равишда энг кам иш ҳақининг бир боравари миқдорида ҳақ олинади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, АТ “Ипотека банк” Навоий филиали қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт. 20208000704943164001, МФО 00205, СТИР 302132768.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар Жасорат кўчаси 24-уй. Тел: 0 (436) 22-4-64-31. www.rmm.uz. Гувоҳнома 1605.

Хизматлар лицензияланган.

«VIP REAL ESTATE» МЧЖ Наманган вилоят филиали “Аукцион савдоларини ўтказувчи комиссия” иштирокида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2015 йил 21 апрел куни соат 11:00да ўтказилиши белгиланган очиқ аукцион савдосига Наманган «Марказий МТП» АЖ кузатув кенгашининг 2015 йил 10 мартдаги йиғилиш баённига асосан жамиятга қарашли Наманган шаҳар Поликовский кўчаси 19-уйда жойлашган умумий фойдаланиб турган ер майдони 7691,93 кв.метр, умумий қурилишости майдони 2617,43 кв.метрдан иборат “База” бино ва иншоотлари **119 981 000 сўм бошланғич баҳода қўйилмоқда.**

Юқоридаги савдо объекти 2015 йил 21 апрел куни сотилмаган тақдирда 2015 йил 28 апрел, 5-, 10-, 12-, 19-, 26 май кунлари соат 11:00да ўтказиладиган аукцион савдосига такроран киритилади.

Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб, 20 (йигирма) кун муддатда сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузади. Талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 17:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва 2015 йил 20 апрел куни соат 11:00да, (такрорий савдолар учун мос равишда 2015 йил 27 апрел, 4-,9-,11-,18-,25 май кунлари соат 11:00да) тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар “Закалат пули тўғрисидаги келишув”ни имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги заколат пулини “VIP REAL ESTATE” МЧЖ Наманган вилоят филиалининг ОАИТБ “Ипак йўли” Наманган вилоят филиали, МФО:01054, ИНН: 302681189, 20208000800250595002 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун ариза, юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги Гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ваколатли шахснинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; заколат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

Қўшимча маълумот олиш ва аукцион савдоларини ўтказиш манзили:

Савдо ташкилотчиси: “VIP REAL ESTATE” МЧЖ Наманган вилоят филиали.

Манзил: Наманган шаҳри, Озодлик кўчаси 14-уй, (Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси) Телефон: (0 369) 227-19-07. e-mail: info@realtors.uz, вебсайт: www.realtors.uz Хизматлар лицензияланган.

Тўғридан-тўғри музокоралар ўтказиш йўли билан ташкил этиладиган савдолар хабарномаси.

1. Сотувчи:	Бухоро вилояти «Техник хизмат кўрсатиш маркази» масъулияти чекланган жамияти		
1.1. Савдо объекти:	Қоровулхона биноси		
Манзили:	Бухоро шаҳар, С.Муродов кўчаси, 14-уй.		
Бошланғич баҳоси:	1 280 000 (Бир миллион икки юз саксон минг) сўм.		
Тавсифи:	Умумий майдони (кв.метр)	Қурилиш майдони (кв.метр)	Фойдали майдони (кв.метр)
	600,0	18,0	-
1.2. Савдо объекти:	Мойка биносининг 10,81 кв.метр қисми		
Манзили:	Бухоро шаҳар, С.Муродов кўчаси, 14-уй.		
Бошланғич баҳоси:	1 230 000 (Бир миллион икки юз ўттиз минг) сум.		
Тавсифи:	Умумий майдони (кв.метр)	Қурилиш майдони (кв.метр)	Фойдали майдони (кв.метр)
	600,0	10,81	-
2. Савдо ўтказиладиган санаси, вақти:	2015 йил 26 март кунидан 2015 йил 26 апрел кунига қадар ҳафтанинг ҳар куни (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 09.00 дан 17.00 га қадар.		
3. Савдо шартлари.	I. Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкил этиладиган савдоларда объектни сотиб олиш бўйича тегишли ҳаракатларни амалга оширган шахс билан савдо баённомасига асосан олди-сотди шартномаси тузилади. II. Объект учун туловларни тулаш муддати ва шакллари олди-сотди шартномасида белгиланади.		
4. Савдо ташкилотчиси:	**«REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ Buxoro filiali.** Манзил: 200100, Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси, 10-уй. 4-қават. Лицензия RR 0170, e-mail: rc.group@inbox.ru, тел: (0-365) 221-59-24.		

Хизматлар лицензияланган.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! СУД ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ СИРДАРЁ ВИЛОЯТ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ 2015 ЙИЛГА ҚЎЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

№ п/п	ОБЪЕКТ НОМИ	Бошланғич нархи ҚҚС билан(сўм)	Бошланғич нархи ҚҚС сиз (сўм)	Қурилиш муддати
1	Жиноят ишлари бўйича Ширин шаҳар судига маъмурий бино қурилиши	1 740 875 221 сўм	1 450 729 351 сўм	335 Кун

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Адлия ва суд органларини ривожлантириш фонди ҳисобидан

Буюртмачининг манзили: — Гулистон шаҳри Н. Маҳмудов кўчаси 7- уй

Телефон: 0-367 235-00-89.

Талабгор сифатида қатнашаётан корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 % миқдоридаги айланма маблағлари бўлиши, ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

- Бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда, қурилиш пудрат ташкилотлари Реестрига киритилмаган ташкилотларнинг танлов савдоларда иштироки тавсия хусусиятига эга ҳисобланади.

- Қиймати 500 млн. сўмдан юқори бўлган янги қурилиш ва қайта қуриш объектлари бўйича танлов савдолари ўтказилаётганда кичик бизнес субъектларига аҳамият берилади.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи сўммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: **Тел: (факс): (8 3672) 27-64-42. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 158 300 сўм.** Таклифлар (Оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдоси матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади. Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази биноси.

Хизматлар лицензияланган.

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ қуйидагиларни маълум қилади!

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 26 майдаги 129кПО-сонли ва 2015 йил 9 февралдаги 16кПО-сонли буйруқларига асосан, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг очиқ аукцион савдоларига чиқарилган Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси, 62-уй манзилида жойлашган, (собиқ фан ва технологиялари марказининг) бино ва иншоотлари ҳамда Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-«А»уй манзилида жойлашган, собиқ “Нур” мажмуаси бино-иншоотлари аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қиламиз.

Асос: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 12 мартдаги 06/50х/х-сонли хати.

Манзилимиз: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1-«А» уй. Тел:228-80-26. Лицензия: RR-0001.

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 17 мавзе, 52-уйда жойлашган “Doctor Nuritdinov” оилавий корхонаси (ИНН 207162421) тугатилади (реестр № 008291-08). Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида (+998993) 506-19-31 телефон рақами орқали қабул қилинади. (асос: 14.03.2015 йилдаги 01-сонли баённома).

2015-yil 19-mart, payshanba, № 36-37 (3542), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

«АММОФОС МАКСАМ» очиқ акциядорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти

Барча тармоқ ходимлари ва юртдошларимизни Наврўз байрами билан қизғин муборакбод этади.

Баҳорий кайфият, соғлик-саломатлик, узоқ умр, бахт-саодат, эл-юрт фаровонлиги йўлидаги ишларингизда омадлар ёр бўлсин!

«Ўзметкомбинат» АЖ касаба уюшма қўмитаси

Юртдошларимизни яшариш ва янгиланиш айёми — Наврўзи олам билан қутлайди.

Баҳор олиб келган қувончлар бардавом бўлсин. Хонадонларингиздан тўкинлик аримасин.

Кўклам сувларидек жўшқинлик, бинафшадек беғуборлик барчага йўлдош бўлсин!

Таълим фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ўзбекистон туман кенгаши

Барча юртдошларимизни, Ўқитувчи ва мураббийларни, соҳанинг заҳматкаш ходимларини кўклам элчиси Наврўз байрами билан самимий табриклайди!

Янгиланиш ва яшариш фаслида сизга ижодий ютуқлар, кўтаринки кайфият, соғлик ва саломатлик тилайди.

«СИТОРАИ МОҲИ ХОСА санаторийси» МЧЖ маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

Мамлакатимиз аҳолисини, жумладан, соҳа ходимларини муборак айём, гўзаллик ва нафосат байрами — Наврўзи олам билан самимий қутлайди.

«СИТОРАИ МОҲИ ХОСА санаторийси» МЧЖ иқлимий ва бальнеологик курорт, у Зарафшон дарёси воҳасида, денгиз сатҳидан 500 м. баландликда, Бухоро шаҳрининг шарқий чеккасидаги сўлим масканда жойлашган.

Даволаш омиллари бўлган иқлими ва сулфат-хлорид натрийли маъданли (+40-42С) сув буйрак, асаб ва ҳаракат-таянч тизими ҳамда овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари билан хасталанган дам олувчиларга ичимлик, ванна, ошқозон ва ичакларни ювиш, гинекологик чайиш сифатида берилади.

Санаторийда замонавий ташхислаш ва физиотерапия, лазеротерапия, балчиқ ва парафин-озакерит билан даволаш, галиоаэротерапия, стоматологик муолажалар, нуга бест, ингаляция, умуртқа поғонасини компютер мосламасида чўзиш, жисмоний тарбия, уқалаш, механик уқалаш, фитобар ва парҳезли овқатлантириш соғлиғингизни тиклашга хизмат қилади.

Ётоқхоналар шинам қилиб безатилган, барча қулайликларга эга стандарт ҳамда хоҳишларига кўра люкс хоналардан иборат.

Кенг ошхона, клуб, спорт майдончалари, кутубхона, музей, бассейн, сауна хизматингизда. Бухоро шаҳрининг тарихий обидаларига экскурсиялар уюштирилади.

Мурожаат учун телефонлар: (0-365) 228-50-26, 228-50-66.

Санаториймизга хуш келибсиз!

Барчангизга тинчлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, мазмунли ва фаровон ҳаёт, истиқболли келажак тилаймиз.

Хизматлар лицензияланган.

«Максам-Чирчиқ» АЖ бошқарувчи ва касаба уюшма қўмитаси

Азиз халқимизни аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган эзгу анъана ҳамда қадриятларимизни ўзида намоён этган қутлуғ айём — Наврўзи олам билан муборакбод этади.

Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган аҳиллик ва тотувлик, меҳр-саховат, ёши улуғ инсонларни ҳар томонлама эъзозлаш, бағрикенглик ва бунёдкорлик муҳитини янада мустаҳкамлаш йўлида амалга ошираётган ишларингизда муваффақиятлар ёр бўлсин.

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

ASAKA BANK

«Асака» банк жамоаси

Сизларни «НАВРЎЗ» байрами билан чин юракдан муборакбод этади!
Юртимиз янада обод ва халқимиз бунданда фаровон бўлсин!
Дастурхонлардан қут-барака, турмушингиздан файз аримасин, азиз ватандошлар!
Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин ва салоҳиятга эга бўлган Ватанимиз янада гуллаб-яшнайверсин.

Байрам муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этамиз:

«НАВРЎЗ — 2015»

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий ва хорижий валюталардаги қулай шартларда 60 та омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.
Мурожаат учун телефонлар:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	225-44-03
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-75-40
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	224-00-16
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз :
- **солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!**
- **маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!**
- **эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!**
- **миқдори чекланмаган!**

«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган.

TRASTBANK
ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

«Трастбанк» хусусий акциядорлик биржа банки жамоаси

Ўзбекистон халқини ва соҳа ходимларини уйғониш, яшариш, янгиланиш ҳамда эзгу умидлар рамзи бўлган НАВРЎЗ АЙЁМИ билан қизғин қутлайди.

Қалбингизни баҳорий кайфият асло тарк этмасин.

«Навоий кон-металлургия комбинати» Давлат корхонаси маъмурияти ва НКМК ходимлари касаба уюшмаси

Соҳа ходимлари ва барча фуқароларни нафосат ҳамда гўзаллик айёми — НАВРЎЗИ ОЛАМ билан самимий қутлайди.

«Ўзвиносаноат-Холдинг» холдинг компанияси жамоаси

Бунёдкор халқимизни қадриятларимизни улуғловчи НАВРЎЗИ ОЛАМ билан самимий муборакбод этади.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ҳамиша ёр бўлсин.

Дастурхонингизни қут-барака, оилангизни фаровонлик асло тарк этмасин!

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev (mas'ul kotib v.b.)

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar: Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti — 21:20
Topshirildi — 23:50

E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 315 | 20844 nusxada bosildi | 1 2 3 5 6